## Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 34-35 (995) • 2014-yil, 29-avgust, juma














## Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмас

"Биз ўз олдимизга қўйган буюк марраларни эгаллаш йўлида кундалик ҳаётимизда амалга ошираётган, бутун дунё тан олаётган режа ва дастурларимиз, ўсиш суръатларимиз, кундан-кунга қиёфаси ўзгариб, куч-қудратга тўлиб бораётган гўзал ва бетакрор она юртимиз, энг муҳими, ривожланган мамлакатлардаги тенгдошлари билан тиллашув ва беллашувга тайёр бўлиб, тобора ҳал қилувчи куч даражасига кўтарилаётган сиз, азиз ёшларимиз, фарзандларимиз билан биз кўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз".

Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида 28 нафар ёш спортчимиз бадиий гимнастика, бокс, дзюдо, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол теннизи, сузиш, таэквондо (WTF), трамполин, ўқ отиш, академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ташкил этилган мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб 4 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил Наманган вилоятида ўтган "Баркамол авлод" спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табригидаги сўзлар ёшларимизнинг турли халқаро мусобақалар, жумладан, Хитойнинг Нанкин шаҳрида 11-28 август кунлари бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида юқори натижаларга эришишида кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, уларни ғалаба сари руҳлантирди.

Халқаро Олимпия қўмитаси томонидан жаҳон ёшлари ўртасида олимпия ҳаракатини кенг тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш орқали навқирон авлодни соғлом турмуш тарзига жалб этиш, истеъдодларни аниқлаш ва уларни катта спортнинг юксак чўққиларини забт этишга тайёрлаб бориш мақсадида ташкил этилган мазкур нуфузли спорт анжумани дунё халқларининг ўз салоҳиятини намоён этиши, ғурур ва ифтихорини юксалтиришда ўзига хос восита бўлиб хизмат қилди.

Қарийб икки ҳафта давомида жаҳоннинг 170 та давлатидан 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган 3500 дан зиёд ўсмирлар спортнинг 28 тури бўйича ғолиблик учун куч синашди. Дунё аҳли II ўсмирлар Олимпиадасини катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатгани, ўз давлатининг спортчиси ғалабаси нашидасини татиб кўргани, унинг муваффақиятини худди ўзиникидек қабул қилгани шубҳасиз. Зеро, спорт — одамларни бирдамликка чақирадиган, ҳар қайси миллат ва халқнинг жаҳон майдонидаги обрў-эътиборини юксалтирадиган қудратли кучдир.

4➢

## Она шаҳрим, ғурурим менинг!..

➢ Муносабат

Ҳам кўҳна, ҳам замонавий кентлар ҳақида гап кетганда, энг аввало жонажон Термизим кўз олдимга келади. Бу бежиз эмас, албатта. Йигирма беш асрлик тарихга эга шаҳримнинг бугунги жамоли кишини ҳайратга солади.

Президентимиз фармонига мувофиқ Термиз шаҳрининг "Амир Темур" ордени билан мукофотланиши истиқлолимизнинг 23 йиллиги олдидан бутун сурхондарёликлар учун байрамона тухфа бўлди. Ушбу янгилик биз айниқса, термизликларнинг кўнглимизни тоғдек кўтариб, қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирди. Шубҳа йўқки, буюк тарихий ўтмишимизни теран маънавий илдизлар орқали бугунги авлодлар онгига чуқур сингдиришга хизмат қилгувчи мазкур воқелик воҳамиз ёшларининг улуғвор мақсадлар ва ёруғ келажак сари интилишларига яна бир туртки бўлади.



2➢

## Озод Ватан бағрида улғаявер, Истиқлол!

Мана, йигирма уч йилдирки, халқимиз пешонасида эрк, озодлик қуёши порлай бошлаган қутлуғ кунни умумхалқ байрами, ҳаётимиздаги энг улуғ ва энг азиз шодиёна, илоҳий неъмат сифатида шукроналик билан нишонлаб келамиз. Тўйга тўёна ярашиқли деганларидай, мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқлари, кўча ва хиёбонлари байрам арафасида қуриб битказилган, ишга туширилган янги муҳташам бинолар, ишлаб чиқариш корхоналари, маданият, санъат, спорт саройлари, ёшлар ва болаларга мўлжалланган дам олиш масканлари билан янада гўзаллашиб кетмоқда.

2➢

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2014 йил 28 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

4➢



## Адолатли жамиятдан изчил тараққиёт сари

Темурийлар тарихи давлат музейида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида "Ким эдигу ким бўлдик?" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси ва Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланди.

6➢

## Электрон тижорат савдо операцияларининг шаффофлигини таъминлайди

➢ Қонун ижодкорлиги

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида "Электрон тижорат тўғрисидаги"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида хулоса тақдим этиш масаласи муҳокама қилинди.

6➢

### 3,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ўз эгаларини топди

3

### Тарихий адолат сабоғи



12

ADOLAT
№ 34-35 (995) 2014-yil
29-avgust, juma

# Озод Ватан бағрида улғаявер, Истиқлол!

Давоми. Боши 1-бетда

Ҳар йили 1 сентябрь — азиз кунда мустақиллигимиз бир ёшга улғаяди. Бу улғайишда, энг аввало, қадди-бастимизнинг, ғурур ва шаънимизнинг тикланганини кўрамиз, миллатнинг эркка эришуви нақадар тотли, нақадар тароватли туйғу эканини ҳис этамиз, жаҳон ҳамжамияти сафларида неча йиллар бўш турган ўзимизнинг муносиб, мартабали ўрнимизни эгаллаганимиздан ҳақли равишда ифтихор қиламиз. Ифтихор қилиш билан бирга, истиқлолни асраш, уни мустаҳкамлаш, одамлар онги ва қалбига бу улуғ туйғуни янада чуқур сингдириш борасида зиммамизда жуда катта масъулият борлигини ҳам англаймиз. Айни пайтда ҳамиша ҳушёр ва огоҳ бўлишга, миллий тараққиёт манфаатларини бутун вужудимиз, онг-шууримиз билан ҳимоя қилишга, ёмон кўзлардан, ғаразли ниятлардан асраб-авайлашга даъват этилганмиз. Бу даъват қалбимизда, имон-эътиқодимизда акс-садо беради, шу азиз Ватанга, шу мусаффо осмонга, киндик қонимиз тўкилган шу муқаддас тупроққа дахлдорлигимиздан қувват оламиз. Буюк келажагимизга ишончимиз янада ортади.



Йигирма уч йил тарих олдида жуда оз фурсат. Аммо шу нарса ҳам аниқки, йилларнинг ва ҳатто, асрларнинг маъно-моҳияти фақат вақт тушунчаси билан ўлчанмайди, аксинча амалга оширилган эзгу ишлар, бунёдкорликлар, инсон манфаатлари йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг ижобий натижалари инобатга олинади. 23 йил давомида мустақил Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар камида бир асрлик маъно-мазмунга эга десак, муболаға бўлмас. Шу қисқа давр ичида ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётимизда юз берган ўзгаришлар, онг-шууримиз, турмуш тарзимиздаги эврилишлар чиндан ҳам ҳайратланарлидир, мўъжиза янглиғдир.

Истиқлол жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун ҳаётда ўзини тўла намоён этиш, орзу-умидларини рўёбга чиқариш имконини берди. Мустақил Ўзбекистон давлати фуқароларининг паспортида "Дунёнинг барча мамлакатларига чиқиш учун" деган ижозат пайдо бўлди. Жаҳон ҳамжамиятининг маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий эшиклари биз учун кенг очилди. Бунинг натижасини бугун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида, одамларнинг дунёқараши ва турмуш тарзида, илм-фан, маданият ва санъат, спорт ва бошқа соҳаларда дунёни ҳайратга солаётган ёшларимизнинг ютуқларида кўришимиз мумкин. Президент Ислом Каримов раҳбарлиги остида истиқлолимизнинг илк қадамларидаёқ ўз йўлимизни, кўзлаган манзилимизни аниқ-равшан белгилаб олганимиз ва энг оғир дамларда ҳам танлаган бу йўлимиздан қайтмаганимиз, сабр-бардош билан олға интилганимиз боис ҳам шундай улуғ натижаларга эришдик.

Яқин ўтмишга назар солайлик. Кеча ким эдик? Ўтган аср охирида қадр-қиммати, шаъни ва ғурури поймол этилиб, бой тарихи ва қадриятлари топталган халқ биз эмасмидик?! Иқтисодиётимиз батамом хомашё етиштиришга йўналтирилиб, миллий қадриятларимиз, ўзлигимиз, бой маънавий, илмий меросимиздан мосуво бўлаёзган эдик.

Айниқса, XX аср 80-йиллар охири, 90-йиллар бошида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий вазият шу қадар оғир эдики, қисқа давр ичида унинг изга тушиб кетиши ҳатто тасаввуримизга ҳам сиғмасди. Ўша вақтларда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми 11 фоизга пасайиб кетган, аҳоли жон бошига истеъмол моллари ишлаб чиқариш собиқ иттифоқ даражасининг 40 фоизини ташкил этарди. Ўзбекистондан олиб кетилган хомашё ресурсларидан тайёрланган маҳсулотларни ўзимиз уч баравар ортиқ нарх билан сотиб олишга мажбур эдик. Мустақилликнинг ўтган даври мобайнида мамлакатимиз иқтисодиёти 4,1 баробар, аҳолининг ялпи реал даромадлари жон бошига 8,2 карра ошгани, кейинги 10 йил давомида юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмаётгани хорижий давлатларнинг чин маънода ҳавасини келтираётгани барчамизга чексиз фахр ва ифтихор бахш этади. Албатта, бу каби ўзгаришлар, ютуқ ва натижалар ўз-ўзидан, осонликча қўлга киритилгани йўқ. Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг илк кунларидан ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо қилиш жараёнларида мамлакатимиз миллий манфаатлари, инсон омили олий қадрият сифатида ислоҳотлар марказига қўйилди. Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, деган тамойил устувор вазифалардан бирига айланди.



Энг асосийси, одамларимизнинг руҳияти ва дунёқараши, ҳаётга, ўз меҳнатининг натижасига муносабати, жаҳонда ва ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси тубдан ўзгармоқда. Фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, бурч ва масъулиятни англаш туйғуси кучайиб бормоқда.

Истиқлол берган улкан имкониятлар ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг асосий шарти бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, сиёсий партиялар фаолиятида ҳам ёрқин намоён бўлмоқда. Давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора кучайиб бормоқда. Ўтган йигирма уч йиллик мустақил тараққиёт йўлимизга назар соладиган бўлсак, истиқлол йилларида сиёсий партияларнинг ўз олдиларига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга ошириши учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми ҳамда ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг босқичма-босқичлик тамойилига тўла жавоб берадиган тарихий ҳужжатдир. Мазкур қонун сиёсий партияларнинг истиқлол йилларида тўплаган сиёсий тажрибаси ва мавжуд имкониятларига, энг муҳими, амалий фаолиятига билдирилган катта ишончнинг маҳсулидир.

Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партиялар фракцияларининг қонун ижодкорлиги борасидаги фаолияти тубдан ўзгарди. Шунингдек, сиёсий тажриба орттириш, сиёсий етуклик ва молиявий мустақилликка эришиш ҳамда жамиятда ўз ўрнини топиш, ўзининг барқарор электоратини шакллантириш юзасидан сиёсий партиялар, жумладан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳам маълум бир йўлни босиб ўтди. Бу жараёнда давлатимиз раҳбарининг парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Ушбу Концепция тараққиётимизнинг янги истиқболларини белгиловчи том маънодаги тарихий аҳамиятга молик воқеа сифатида ҳаётимиздан ўрин олди.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишлаб "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, унга асосан, партиямизнинг барча даражадаги ташкилотларида тарғибот тадбирлари, акция ва форум, учрашув ҳамда давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. "Мустақиллик бизга ҳуқуқларимизни қайтариб берди", "Тинчлик — барча ютуқларимиз гарови", "Инсон манфаатлари — энг олий қадрият" каби лойиҳа ва тадбирларда истиқлол берган имкониятлар тарғиб қилинмоқда.

Мустақиллик байрамининг 23 йиллигига қизғин тайёргарлик олиб борилаётган бир пайтда яна бир муҳим сиёсий жараён — парламент қуйи палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларга ҳам пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Шу боис партиямиз сайловларга тайёргарлик жараёнида электорат манфаатларини ифодалайдиган, сайловчилар кўнглидан жой оладиган аниқ халқчил, жозибадор ғоялар билан кириб бориши, бугунги замон, одамлар дунёқарашига мос лойиҳаларни илгари суриши лозим бўлади.

Бир сўз билан айтганда, энг улуғ, энг азиз бойлигимиз мустақилликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш, эркинлик, адолатлилик, бирдамлик шиори остида миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъсирчан тадбирлар орқали тарғиб қилиш устувор вазифамиз бўлиб қолмоқда.

**Наримон УМАРОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сиёсий Кенгаши раиси



# Она шаҳрим, ғурурим менинг!..

Давоми. Боши 1-бетда

Ушбу юксак орденни буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг она шаҳри Шаҳрисабз ва улуғ салтанатининг пойтахти Самарқанддан кейин Термиз шаҳрига берилишида ҳам тарихий ҳақиқат бордек, гўё. Зеро, тарихий манбалардан маълумки, Соҳибқирон Амир Темур ўзи бунёд этган салтанат таркибидаги шаҳарлар орасида тарихи жуда қадимга бориб тақаладиган, азиз авлиёлар, алпомишлар юрти бўлган бу диёрга, ушбу заминда етишиб чиққан алломаларга ҳурмати жуда баланд бўлган.

Шукрки, мустақилликка эришганимиздан кейин шаҳримиз муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида чегара ҳудуд сифатида эътибордан четда қолган, ёпиқ шаҳардан бугунги замонавий қиёфага эга, Амударё соҳилидаги тинч, фаровон ва обод масканга айланди. Бугун кўпмиллатли шаҳримиз аҳолиси тинч-осойишталикда, фаровон умргузаронлик қилмоқда.

Мустақиллик йилларида Термиз шаҳрининг бой тарихий ўтмиши қайта тикланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан "Алпомиш" достони яратилганининг 1000 йиллик, Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейлари халқаро миқёсда нишонланди. Тарихий обидалар, қадимий осори-атиқалар таъмирланиб, сайёҳлик инфратузилмаси ривожлантирилиши натижасида бу ерга келувчи сайёҳлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Юртимизнинг барча шаҳарларида бўлгани каби бугун Термизда ҳам фуқароларимизнинг муносиб турмуш кечиришлари учун шароит яратиш, саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар изчил давом эттирилмоқда. Замонавий шаҳарсозлик андозаларига мос кўркам уй-жойлар, таълим, тиббиёт муассасалари, болалар спорти иншоотлари, маданий-маиший бинолару кенг, равон йўллар, кўприклар шаҳар кўркига кўрк қўшмоқда.

Биргина сўнгги беш йилликда янгидан барпо этилган ёки тубдан реконструкция қилинган Термиз археология музейи, Термиз давлат университетининг янги биноси, Бахт уйи, "Сурхон" спорт мажмуаси ва бошқа спорт иншоотларини, барча замонавий шароитларга эга тўққизта коллеж, иккита академик лицей, 19 умумтаълим мактабини кўрган кишининг дили яйрайди. Бу ерда камолга етаётган ёшларнинг келажаги порлоқ эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Бир сўз билан айтганда, Термизга бундан атиги 10-15 йил илгари келган меҳмон бугун бу ерга ташриф буюрса шаҳримизни таний олмай қолади.

Шунингдек, бугун замонавий шаҳар мақомига мос равишда Термизда 50 дан ортиқ саноат корхонаси, 200 га яқин сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолият юритаётгани, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришдан тортиб, фармацевтика, озиқ-овқат ва енгил саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш кенг ривожланаётгани ҳам истиқлол шарофати, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик ҳосиласидир.

Шаҳримизда юз бераётган бундай ижобий ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларида Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоларининг, фаолларимиз ва депутатларимизнинг ҳам ҳиссаси борлиги бизни қувонтиради. Айниқса, халқ ишонч билдирган шаҳар кенгашидаги депутат сифатида бизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросида янада масъулият билан ишлашга, янгидан-янги ташаббуслар билан чиқишга ундайди.

**Бекмурод АШУРОВ,**
халқ депутатлари Термиз
шаҳар Кенгашидаги
Ўзбекистон "Адолат" СДП
депутатлик гуруҳи раҳбари

NBU
**Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки**

**Ўзбекистон аҳолисини Мустақиллик байрами билан табриклайди ва миллий валютада янги муддатли омонатлар амалга киритилганини маълум қилади:**

**«Мустақиллик»**

* Сақлаш муддати — 2 ой;
* Омонатга қўшимча бадаллар фақат нақд пул кўринишида қабул қилинади;
* Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

**«Обод юрт»**

* Сақлаш муддати — 3 ой;
* Бошланғич бадал миқдори 3 000 000 сўм, қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
* Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

*Омонатга маблағлар 2014 йилнинг 15 августидан бошлаб 1 октябргача қабул қилинади.*

**Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!**

**Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки Банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.**
**www.nbu.com**

*Хизматлар лицензияланган.*





**➢ Ижтимоий ҳамкорлик доирасида**

Ўзбекистон “Адолат” СДП Навоий вилояти кенгаши ташаббуси билан хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида Навоий шаҳрида мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлаб, “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида тадбир ташкил этилди.




# 3,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ўз эгаларини топди

Республика Марказий банкининг вилоят бошқармаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, республика Марказий банки ва тижорат банкларининг вилоят бўлимлари ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари А.Раҳмонов ва бошқалар йиғилганларни истиқлолимизнинг 23 йиллиги билан қутлар экан, ушбу давр чин маънода халқимиз турмуш фаровонлигининг юксалиш даври бўлганлиги, тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, барча соҳаларда эришаётган ютуқларимизга бугун жаҳон ҳамжамияти ҳавас билан қараётганлигини эътироф этишди. Мамлакатимизда давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга муҳим эътибор қаратилаётгани, ташкил этилган мазкур тадбир ҳам айни шу мақсадга қартилган чора-тадбирларнинг мантиқий давоми эканлиги қайд этилди.

Шундан сўнг иштирокчилар тадбир доирасида ташкил этилган “Бўш иш ўринлари ярмаркаси”га таклиф этилди. Ярмаркада Навоий шаҳри ҳудудида жойлашган жами 126 та корхона ва ташкилотлар ўзларининг 339 та бўш иш ўринларини таклиф этишди. Унда таклиф этилаётган иш ўринлари тўғрисида маълумот, меҳнат ва дам олиш шароитлари, иш ҳақлари, қўшимча имтиёзлар тўғрисидаги кўргазмали воситалар орқали иштирокчиларга батафсил маълумотлар берилди.

Бўш иш ўринлари ярмаракасида иш билан банд бўлмаган фуқаролардан 255 нафар иш изловчилар қатнашиб, 164 нафари ишга жойлашиш учун йўлланма олди. Шундан 85 нафарини, яъни 51,8 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Умумий ишга жойлашиш учун йўлланма олганларнинг 128 нафарини эса ёшлар ташкил этди. Шундан Навоий шаҳар касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан 47 нафари ишга жойлашиш учун йўлланма олишди.

Тадбир доирасида вилоятдаги етакчи тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари вилоят бўлимлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун жорий этилган янги кредитлаш механизмлари ва турларини тарғиб этиш, тадбиркорлик субъектларига замонавий информацион технологиялардан фойдаланган ҳолда кўрсатилаётган банк хизматлари, банк технологиялари ва ускуналари билан яқиндан таништириш имкониятига эга бўлган стендлар намойиш этилди.

Тадбирнинг асосий қисмида Ўзбекистон “Адолат” СДП ҳамда республика Марказий банки томонидан тадбиркорлик фаолиятини банк кредитлари ҳисобига бошлаётган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 219 нафар ёшларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи, умумий қиймати 3,5 миллиард сўмлик сертификатларни топшириш маросими ўтказилди. Шу билан бирга, 20 нафар ёшларга тадбиркорлик йўналишида иш олиб бориш мақсадида тикув машиналари тақдим этилди.

Бундан ташқари, Навоий шаҳридаги маданият саройи мажлислар залида “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, инновацион лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашишга қаратилган давра суҳбати ҳам ташкил этилди.

Давра суҳбатини Ўзбекистон “Адолат” СДП Навоий вилояти кенгаши раиси Ҳ.Жумаев очиб берди. Шундан сўнг вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси А.Бобомуродова сўзга чиқиб, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини янада ошириш борасида хотин-қизлар қўмитаси билан Ўзбекистон “Адолат” СДП ҳамкорлигида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берди.

Давра суҳбатида мутахассислар томонидан амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти, тадбиркорлик соҳасида яратилган имтиёзлар, кредит олиш тартиби, унинг шартлари юзасидан маслаҳатлар берилди ва иштирокчиларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Тадбир сўнггида бадиий жамоалар ва таниқли санъаткорлар томонидан намойиш этилган она Ватанни ва истиқлолни тараннум этувчи куй-қўшиқлар йиғилганларга байрамона кайфият бахш этди.

**Садоқат ШАМСИЕВА,**
Ўзбекистон “Адолат”СДП
Навоий вилояти кенгаши
матбуот котиби

# Ўзбекистонни соғинамиз

**➢ Изҳор**

Бугун мамлакатимиз тадбиркорлари, олимлари, шифокор ва бошқа касб вакилларининг хорижлик ҳамкасблари билан самарали ҳамкорлиги оддий ҳолга айланган. Ўзбекистонлик ёшлар дунёнинг турли давлатларида таълим олиш имкониятидан унумли фойдаланмоқда.

Шу кунларда халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Шаҳару қишлоқлар, кўчалар, ҳар бир оилада энг улуғ, энг азиз айём шукуҳи сезилмоқда. Шундай лаҳзаларда юртидан узоқда бўлган одам ўзини қандай ҳис этаркин, деган савол кишини беихтиёр ўйга толдиради. Мустақиллик кунини Ўзбекистондан минглаб километр олисда нишонлаётган ёшларимиз қалбидан қандай ўйлар кечаётган экан? ЎзА мухбири улардан айримларининг фикри билан қизиқди.

*— Ватанимизни кўп соғинамиз,* — ***дейди Майсур университети (Ҳиндистон) талабаси Давронбек Тўхтабоев.*** *— Бу туйғу, айниқса, байрамлар пайтида жуда-жуда сезилади. Телефон ёки интернет орқали ота-онам ва яқинларимни табриклар эканман, мамлакатимизда ҳукм сураётган байрамона кайфият қалбимни чўлғаб олади.*

*Ҳиндистон ҳам Ўзбекистон каби бой ва серқирра маданиятга эга кўп миллатли мамлакатдир. Бу ерда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийларнинг Ҳиндистон маданияти ривожига қўшган ҳиссасини жуда қадрлашади. Ўзбекистонлик талабаларга дунёга кўплаб буюк шахсларни етказиб берган халқ вакиллари сифатида ҳурмат билан қарайди. Бу бизга чексиз фахр-ифтихор бағишлайди.*

*— Оилам, дўстларим ва яқинларимни жуда соғинаман, улар билан суҳбатлашишни қумсайман,* — ***дейди Сеул миллий университети (Жанубий Корея) талабаси Бобур Жабборов.*** *— Инглиз, рус ва турк тилларини биламан. Бу ерда корейс тилини ўрганмоқдаман. Чет тилини билиш яхши. Лекин ўз она тилингнинг ўрни бошқа экан. Яқинларим билан телефон орқали ўзбек тилида суҳбатлашганимда ёки уларга электрон хат ёзганимда хурсанд бўламан, шу лаҳзаларда ўзимни ўз уйимдагидек ҳис этаман.*

*— Халқимизнинг меҳмондўстлиги ва дастурхонимизнинг тўкин-сочинлигини соғинаман,* — ***дейди Турин политехника институти (Италия) магистранти Жалолиддин Юсупов.*** *— Заминимизда етиштирилган мева-сабзавотлар Европаникига қараганда жуда ширин ва мазали. Уйдан олисда ўзбек миллий таомларини тайёрлашни ўргандим, дунёнинг бошқа давлатларидаги дўстларимни меҳмон қиламан.*

*Италияда юртимизда ишлаб чиқариладиган Lacetti, Matiz, Orlando, Captivaга ўхшаш автомобиллар кўп. Бу менга Ватанимни эслатади. Дўстларимга «менинг юртимда ҳам шундай замонавий автомобиллар ишлаб чиқарилади» дейман. Қалбим фахр туйғусига тўлади.*



*— Европа шимолида таълим олаётганим боис серқуёш Ўзбекистонимизнинг илиқ ҳавосини соғинаман,* — ***дейди Стокгольм университети (Швеция) талабаси Дурдона Шарипова.*** *— Ёзги таътил пайтида жонажон Тошкентга келишим билан ўз Ватанимнинг тафтидан қувват оламан ва ўқув йили давомида ўзимни тетик ҳис этаман. Швецияда гўзал миллий урф-одатларимиз, масалан, тўй маросимлари кўз ўнгимдан ўтади. Ватандан йироқдагина унинг бетакрорлигини англаб етдим.*

*— Ҳар куни жонажон маҳалламни эслайман,* — ***дейди Монро коллежи (АҚШ) талабаси Малика Охунова.*** *— Ўзбекистонда тонг Нью-Йоркдагидан анча олдин отади. Эрта саҳардан қизлар кўчаларни супуриши, нововойхонадан тандирда ёпилган иссиқ ноннинг бетакрор исини, маҳалла аҳли наҳор ошига чиқишини эслайман. Ўз уйингда ҳар тонг карнай ва сурнай садолари остида уйғониш ва бу кун байрам сифатида ўтиши қандай бахт!*

*— Хитойда халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасида ўхшаш жиҳатлар борлигини ҳис этдим,* — ***дейди Чунцин университети (ХХР) магистранти Дониёр Мўминов.*** *— Хитойда ҳам Ўзбекистондаги каби таълим соҳасига катта эътибор қаратилади. Меҳнат ва бунёдкорликка муҳаббат, ёшлар ва катталар ўртасидаги ўзаро ҳурмат-иззат ҳам хитой, ҳам ўзбек халқига хос фазилатлардир. Эҳтимол, шунинг учун бу мамлакатга тез кўникдим.*

*Хитойда қурилиш ва архитектура бўйича ўз билимимни бойитмоқдаман. Ҳар бир дарсда зарур билимларни тез ўзлаштириб, Ватанимга қайтиш, уни энг замонавий, муҳташам бинолар билан безаш ҳақида ўйлайман. Жонажон Ўзбекистон, мустақиллик кунинг муборак бўлсин!*

ЎзА мухбири
**Бобур ОБИДОВ**
ёзиб олди.

# Йўловчининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки муҳофазаси кафолатланади

**➢ Қўмита йиғилиши**

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда йўл инфратузилмасини ва транспорт-коммуникация тизимини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш ва республикамизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда муҳим омил бўлиб келаяпти.



Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида янги йўллар, замонавий кўприклар барпо этилиб, мавжудлари жаҳон андозалари даражасида реконструкция қилиниб, йўловчи ташиш соҳаси ҳам изчил ривожланмоқда. Халқаро андозалар даражасида барпо этилган автомобиль ва темир йўлларда йўловчилар ва юк ташиш хавфсизлигини, ҳаво йўлларида парвозлар хавфсизлигини таъминлаш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини такомиллаштиришга доимий эътибор қаратилаётир.

Транспорт-коммуникация тизими ва ижтимоий суғурта хизматларининг тобора ривожланаётгани соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида айни пайтда муҳокама этилаётган «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳам соҳада юзага келаётган ўзгаришлар ҳамда фуқароларнинг йўловчи сифатидаги ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида бўлиб ўтган йиғилишда мазкур қонун лойиҳаси депутатлар, эксперт ва олимлар, соҳа мутахассислари иштирокида яна бир бор муҳокамадан ўтказилди.

Йиғилишда қайд этилганидек, бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида йўловчи ташиш жараёнида йўловчиларнинг манфаатларини тўла ҳимоя қилиш мақсадида ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш механизми кенг қўлланилмоқда. Автомобиль, дарё, темир йўл, ҳаво йўллари орқали бирор манзилга отланган йўловчининг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулкига зарар етса, уни ташувчи компания ижтимоий суғурта орқали қоплаб бериши тартиби йўлга қўйилган. Бу тизим бир томондан йўловчи учун қулайлик яратса, иккинчи томондан суғурта бозори ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, бу йўналишларда кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, ташувчи компания ва ташкилотларнинг мулкий манфаатларини муҳофазалашга хизмат қилади.

Мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштириш, унинг инсон манфаатларини муҳофазалаш ва жамиятимизни янада равнақ топтиришда тутган ўрнини тарғиб этиш мақсадида жойларда экспертлар, манфаатдор ташкилотлар, суғурта компаниялари, тадбиркорлар иштирокида давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этилмоқда. Оммавий ахборот воситаларида депутатлар, олимлар ва экспертларнинг чиқишлари уюштирилмоқда.

**Анвар СУЛАЙМОНОВ,**
**Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:**

— Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ ташувчи йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказилганлиги ҳамда юк ёки багаж йўқолганлиги, кам чиққанлиги ва уларга шикаст етказилганлиги (бузилганлиги) учун жавобгардир.

Қонун лойиҳасининг асосий ғояси ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга ошириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида транспорт воситаларининг барча турларида ташишни амалга оширишда йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарар ўрнининг қопланишини кафолатлашдан иборат.

Бундан ташқари, хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, йўловчиларнинг манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш учун йўловчиларнинг мажбурий шахсий суғуртаси ўрнига ташувчининг йўловчилар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш механизми қўлланилмоқда.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг мақсади ташувчининг йўловчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ишонч билан айтиш лозимки, қонун лойиҳаси фуқароларга етказилган зарар ўрнининг қопланишини кафолатлашдаги умумдавлат тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлади ҳамда йўловчиларга етказилган зарар ўрнини қоплаш бўйича харажатларни камайтириш йўли билан ташувчиларнинг мулкий манфаатлари ҳимоясини таъминлайди. Қолаверса, ушбу қонун лойиҳаси янги иш ўринлари яратилишига, суғурта бозори ва транспорт инфратузилмасининг ривожлантиришига, кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ошишига имкон беради.

Таъкидлаш лозимки, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини, соғлиғи, хавфсизлигини ҳимоя қилиш, бу борада қонун устуворлигини таъминлаш партиямиз Сайловолди дастуридан ўрин олган энг устувор вазифалар сирасига киради. Айни пайтда ишчи гуруҳимиз аъзолари қонун лойиҳасида белгиланаётган механизмларни янада такомиллаштириш, қабул қилгандан сўнг унинг қўлланилишини осонлаштиришга қаратилган таклифларини ишлаб чиқмоқдалар.

Йиғилиш сўнггида марказда ва жойларда амалиёт билан яқиндан танишиб, уни ўрганиш натижасида депутатлар, экспертлар, манфаатдор ташувчилар ва суғурта ташкилотлари, тадбиркорлар иштирокида бир қатор давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказиш, қонун лойиҳасини сайловчилар ўртасида кенг муҳокама қилиш ва унинг мазмун-моҳияти тўғрисида ОАВларда бир қатор чиқишлар уюштириш, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партияларнинг фракциялари ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг фикри ва таклифларини янада аниқлаштириш учун фракциялараро дебатлар ўтказишга доир қарорлар қабул қилинди.

**Илёс САХАТОВ,**
“Adolat” мухбири

ADOLAT
№ 34-35 (995) 2014-yil
29-avgust, juma

# Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмас

Давоми. Боши 1-бетда

Бугун спортчиларимиз жаҳон ареналарида ўз она Ватани – мустақил Ўзбекистон номидан қатнашаётганидан қанчалик фахрланаётган бўлса, халқимиз ҳам уларнинг юксак ғалабаларидан шунчалик ғурурланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етишида ҳамда Ватанимиз салоҳиятини дунёга намоён қилишда муҳим омил бўлмоқда.

Жумладан, Республика Президенти ташаббуси билан спортнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳанинг ривожланиши учун халқаро стандартлар талаблари даражасида асос яратиш мақсадида 2002 йилда Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил қилинди. Ўтган давр мобайнида жамғарма томонидан мамлакатнинг барча ҳудудларида спортни ривожлантириш учун 1 триллион 76 миллиард сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди, 1979 та замонавий, муҳташам спорт иншоотлари барпо этилди.

Шу кунларда ҳам юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий, зарур шароитларга эга спорт мажмуалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, сузиш ҳавзалари, стадион ва спорт манежлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Аҳоли, айниқса, ёшлар, болалар ва хотин-қизларни жисмоний тарбия, спорт ва соғлом турмуш тарзига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Натижада жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бугун мамлакатимизда 2 миллиондан зиёд бола спортнинг 30 дан ортиқ тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Мамлакатимизда 2003 йилда жами ўқувчи-ёшларнинг 20,4 фоизи спорт билан шуғулланган бўлса, ҳозир бу рақам 45 фоиздан ошиб кетди.

Бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар ўғил-қизларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Рақамларга эътибор берайлик, кейинги беш йил мобайнида 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ўртасида ўткир респиратор вирус инфекциялари билан касалланиш – 9,7 фоизга, пневмония билан – 49,1, бронхит билан – 32,8, сколиоз билан касалланиш – 32,7 фоизга пасайган. Бу бежиз эмас, албатта! Зеро, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш, таълим, спорт сингари соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида аҳоли, айниқса, келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом, ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш мақсади мужассамдир.

Мамлакатимизда ўғил-қизлар ўртасида спортни оммалаштириш, уларнинг иқтидорини юзага чиқаришнинг муҳим воситаси: таълим тизимидаги дунё мамлакатларида ўхшаши бўлмаган уч босқичли спорт ўйинлари – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақалари жорий қилиниб, ҳудудларда мунтазам ташкил этилмоқда. "Кичик Олимпиада" мақомини олган бу мусобақалар бугун минглаб спортсевар ёшларимизга бир олам қувонч, ғалаба нашидасини, унутилмас лаҳзаларни ҳадя этадиган, уларнинг орзуларини рўёбга чиқарадиган, пировардида ҳаёт йўлини белгилаб берадиган том маънода ёшлик ва баркамоллик байрамига айланди.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик самарасида юксак мақсадлар сари курашадиган, халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, жаҳон аҳлига **Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини** исботлай оладиган спортчиларнинг янги авлоди вояга етмоқда.

Нанкин Олимпиадасида 28 нафар ёш спортчимиз бадиий гимнастика, бокс, дзюдо, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, таэквондо (WTF), трамполин, ўқ отиш, академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ташкил этилган мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилди.

Ўзбекистонлик ёш спортчиларнинг нуфузли мусобақада муваффақиятли қатнашишида давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлди.

Ҳар қандай мамлакатнинг нуфузли спорт мусобақасида эришган натижалари аввалги мусобақалар билан таққосланади ва бу қиёс ўша давлатда спортнинг қай даражада ривожланаётганини белгилаб беради. 2010 йили Сингапурда ўтган I ўсмирлар Олимпиадасида 21 нафар спортчимиз иштирок этиб, 3 кумуш ва 6 бронза медаль билан тақдирланган бўлса, бу йилги спорт анжуманида 28 нафар олимпиячимиз қатнашиб, илк бор 4 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритди. Яна бир мисол, 2010 йили Сингапур Олимпиадасига йўлланма олган спортчиларимиз асосан пойтахт ва еттита вилоятдан терма жамоага сараланган ёшлар бўлса, бу йилги Олимпия ўйинларига йўл олган ёшлар юртимизнинг деярли барча ҳудудларидан сараланган иқтидорли спортчилардир. Бу жойларда **"оммавийликдан – профессионалликка"** тизими яхши йўлга қўйилганидан далолатдир. Бу мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, ҳатто энг олис қишлоқларида ҳам спортни ривожлантириш кенг йўлга қўйилгани натижаси ва истиқлол берган имконият самарасидир.

Дунёда етакчилардан ҳисобланган ўзбек бокс мактабининг ёш вакили, фарғоналик Бектемир Меликўзиевнинг эришган натижасига бугун дунё ёшлари ҳавас қилмоқда. Бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё ва жаҳон чемпиони бўлган умидли боксчимиз энди ўсмирлар Олимпия ўйинлари олтин медалини ҳам қўлга киритди.

Ушбу Олимпиаданинг сўнгги кунида ўтказилган вазни 69 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари баҳсида рингга чиққан Бектемир ярим финалда беларуслик Иляс Адзинаевни, финалда Доминикан Республикаси вакили Хуан Соланони мағлубиятга учратиб, ўз вазнида дунёда тенгсиз эканини яна бир карра исботлади.

– Ҳар қандай йирик мусобақада жонажон Ватан шарафини ҳимоя қилиш ҳар бир спортчининг энг эзгу орзусидир, – дейди Бектемир Меликўзиев. – Биз, ёшларнинг Нанкин Олимпиадасида эришган улкан ютуқларимиз Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилаётган юксак эътибор туфайлидир. Биз ғалабамизни энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаймиз.

Нанкин Олимпиадасининг юнон-рум кураши бўйича вазни 50 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида иштирок этган, юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпиони, самарқандлик Илҳом Баҳромов ҳам делегациямиз ҳисобига олтин медаль келтириб, мухлису мутахассислар ишончини оқлади. Умидли спортчимиз саралашда жазоирлик Ҳусам Бунасрий, бразилиялик Калебе Феррейра Коррея, Маршалл ороллари вакили Кайсер Мюллерни мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи баҳсда озарбайжонлик Жаббор Нажафов билан куч синашган полвонимиз рақибини 3:1 ҳисобида енгиб, олтин медалга сазовор бўлди.

– Ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиб, халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлаганимиздан хурсандмиз, – дейди Илҳом Баҳромов. – Ҳар бир беллашув олдидан миллионлаб юртдошларимизнинг қўллаб-қувватлашини ҳис қилиб турдик, бу бизга куч-ғайрат ва шижоат бағишлади.

Бугун халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган Ришод Собиров, Шуҳрат Арслонов, Яҳё Имомов сингари тажрибали дзюдочиларимиз сафига яна бир янги истеъдод соҳиби қўшилди. Нанкин Олимпиадасида муваффақиятли иштирок этган дзюдочи, сурхондарёлик Суҳроб Турсунов 66 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида учинчи, жамоавий беллашувларда эса биринчи ўринни эгаллади.

Яна бир вакилимиз Владимир Свечников 10 метр масофадан тўппончадан ўқ отиш бўйича микст баҳсларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, таэквондо (WTF) бўйича ўтказилган беллашувларда иштирок этган ҳамюртимиз Умида Абдуллаева вазни 63 килограммдан оғир бўлган таэквондочилар ўртасида иккинчи, Сулаймон Латипов вазни 49 килограммгача бўлган боксчилар беллашувида кумуш, спорт гимнастикаси бўйича баҳсларда қатнашган Тимур Қодиров бронза медалини қўлга киритди.

Сўнгги йилларда ўзбекистонлик оғир атлетикачиларнинг жаҳон ареналарида қўлга киритаётган ютуқлари сони ортиб бормоқда. Бу мамлакатимизда ушбу спорт турини ривожлантириш, ёш истеъдодларни кашф этиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг самарасидир. Масалан, оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Руслан Нурудинов эришаётган натижалар халқаро спорт жамоатчилиги томонидан юксак эътирофга сазовор бўлаётир. Унга ҳавас қилган хоразмлик Фарҳодбек Собиров ва наманганлик Адҳамжон Эргашев II ўсмирлар Олимпиадасида муносиб иштирок этиб, ўз вазн тоифасида кумуш ва бронза медаль билан тақдирлангани оғир атлетика бўйича нуфузли мусобақаларда қўлга киритилажак ютуқлар салмоғи янада ортишидан далолатдир.

Юнон-рум кураши бўйича Абубакр Алимов, аёллар кураши баҳсларида қатнашган Шаҳодат Жўллибоева, спорт гимнастикаси бўйича Вероника Орлова, бадиий гимнастика бўйича шахсий кўпкураш баҳсларида иштирок этган Анора Давлатова, гуруҳ баҳсларида қатнашган Комила Рустамова, Карина Тоғаева, Сабрина Рамазонова, Гўзал Райманова ва Ирина Салех, боксчи Козимбек Мардонов, оғир атлетикачи Комила Абдуллаева, эшкак эшиш бўйича Шаҳбоз Абдужабборов, Артур Гулиев ва Юлдуз Кульговая, ўқ отиш бўйича Вадим Скороваров, сузиш бўйича Артем Пухнатий ва Андрей Правдивцев, стол тенниси баҳсларида иштирок этган Регина Ким ва трамполин бўйича Амиран Бабаян учун Нанкин Олимпиадаси тажриба ва маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг ёш спортчилари ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида ўз маҳорати, тажриба ва салоҳиятини кенг намоён этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Спортчиларимизнинг Нанкин майдонларида қўлга киритган ютуқлари халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами – Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига муносиб совға бўлди.

Катта спортга энди қадам қўяётган ёш олимпиячиларимизни келгусида янада нуфузли мусобақалар кутиб турибди. Улар келажакда бундан-да юксак ғалабаларга эришиб, халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлаши шубҳасиз.

**ЎзА**

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Давоми. Боши 1-бетда

Сенаторлар ўз ишларини Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган **«Ижтимоий шериклик тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқишдан бошладилар.

Муҳокама жараёнида сенаторлар қайд этганларидек, амалга оширилаётган Концепцияда фуқаролик жамияти институтлари янада ривожланишини таъминлашга, уларнинг олиб борилаётган ислоҳотларни рўёбга чиқаришдаги ролини кучайтиришга муҳим аҳамият берилган. Кўриб чиқилаётган қонун ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини рўёбга чиқаришда, гуманитар муаммоларни ҳал этишда, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда ННТнинг давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини аниқ белгилаб бериши керак.

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик янгилашнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда қонунда ижтимоий шерикликнинг асосий соҳалари, чунончи аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, бандликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, атроф-муҳитни ва аҳоли соғлиғини сақлаш, баркамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, оналик ва болаликни, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий билимларини, ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш ва бошқалар назарда тутилмоқда.

Ушбу қонун ҳужжатида давлат органларининг ННТ билан ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, уларнинг жойлардаги ижтимоий муҳим муаммоларни ҳал қилишда иштирок этиш шакллари ва усуллари аниқлаштирилмоқда. Сенаторларнинг фикрича, ижтимоий шерикликни мустаҳкамлашда қонуннинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат фондлари, шунингдек, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатларидан, ҳокимликлар тегишли бўлинмалари, адлия ва молия органлари, ННТ вакилларидан иборат тегишли жамоат комиссиялари тузилишини назарда тутувчи нормалари катта аҳамиятга эга.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонун ижтимоий шерикликни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий майдон яратишга, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар самарадорлигини оширишга, катта ижтимоий аҳамиятга молик ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш жараёнида аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олишга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 8 июлдаги «Миллий ахборот ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини ва Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 8 июлдаги «Миллий ахборот ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1572-сонли қарорини рўёбга чиқариш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги қарорини ижро этиш доирасида ишлаб чиқилган **«Тижорат сири тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Сенаторлар ушбу қонун тижорат сири ҳимоя қилинишини ва ундан фойдаланишни, ахборотни тижорат сири тоифасига киритишни, уни тизимга солишни таъминлашга, бозор рақобати шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Сенаторлар таъкидлаганларидек, қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий манфаатлар соҳасидаги тижорат сири режимини ўрнатиш жараёнини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга хизмат қилади ва у бир қатор янгиликларни ўз ичига олади.

Қонун нормаларининг рўёбга чиқарилиши хўжалик юритувчи субъектлар самарали иш олиб бориши учун қулай шароит яратиш имконини беради, шунингдек, ахборот технологияларини, ишлаб чиқариш янгиликларини, ноу-хаулар ва инновацияларни янада ривожлантиришга рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади, бу эса пировардида иқтисодиётнинг янада ўсишига ва республикамизнинг равнақ топишига олиб келади. Сенаторлар қонунни маъқулладилар.

Сенаторлар Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилган **«Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ҳам кўриб чиқдилар.

Муҳокама жараёнида сенаторлар қонун биржа фаолияти ва биржалар иши масалаларида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётидан фойдаланиш учун шарт-шароит, шунингдек, мамлакатимиз биржа бозорининг жаҳон биржа бозорига интеграциялашуви учун механизмлар яратишини алоҳида кўрсатиб ўтдилар. Умуман, қонун хўжалик юритувчи субъектлар товар-хомашё ва молия биржаларида кенг иштирок этишини таъминлашга, молия секторини ривожлантиришга, бозор инфратузилмасининг сифатини оширишга, макроиқтисодий ўсиш суръатларини яхшилашга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар асосий мақсади ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги амал қилиб турган қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришдан иборат бўлган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Ушбу қонуннинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 25 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган тузатишларни рўёбга чиқариш соҳасидаги қонун ижодкорлиги ишлари дастури тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ тайёрланган.

Қонун билан бир қатор қонунларга: «Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Микромолиялаш тўғрисида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунларга, Божхона кодексига, Жиноят-процессуал кодексга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, бир қатор бошқа қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, қонун ҳужжатларига киритилаётган тузатишлар сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришга, Марказий сайлов комиссиясининг ваколатларини кенгайтиришга, мустақиллигининг кафолатларини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ушбу қонун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари учун янада қулайроқ шароитлар яратиш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим омили бўлади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган тузатишлар катта аҳамиятга эга. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар **Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ҳолати ва уни янада кучайтириш чоралари тўғрисидаги ҳисоботини** тингладилар.

Ҳисобот даврида прокуратура органлари томонидан қонун устунлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни профилактика қилиш бўйича зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришга қаратилган кенг кўламли ишлар қилинганлиги кўрсатиб ўтилди.

Прокуратура органларининг алоҳида эътибори фуқароларнинг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилди.

Шу билан бирга, ғоят муҳим давлат дастурларини, жумладан, тадбиркорлик фаолиятини, фермер, деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасидаги дастурларни рўёбга чиқаришга, улар фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш ҳолларига йўл қўймасликка қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижро этилишини назорат қилишга муҳим эътибор берилди.

Прокуратура органларининг эътибори кўпроқ аҳоли бандлиги, ёшларни ва коллежлар ҳамда лицейларнинг битирувчиларини ишга жойлаштириш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижро этилиши устидан назоратнинг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитига эга бўлиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқларига риоя этилишини самарали таъминлаш, шунингдек, фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигини жиноий тажовузлардан ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг суд томонидан ҳимоя қилинишга бўлган ҳуқуқларини амалда рўёбга чиқариш масалаларига ҳам қаратилди.

Ҳисобот даврида инсон манфаатларининг устуворлиги принципини таъминлаш, шунингдек, давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги масъулиятини кучайтириш мақсадида давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан фуқароларнинг мурожаатлари ўз вақтида кўриб чиқилиши бўйича қонунчилик талабларини бажариш прокуратуранинг доимий назоратида бўлиб келди.

Маърузада таъкидланганидек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ушбу йўналишда амалга оширилган ишларга қарамай, мансабдор шахслар фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини инкор этиши ҳоллари мавжуд. Чунончи, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашдаги камчиликлар Қишлоқ ва сув хўжалиги, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари ҳамда бошқа давлат органлари фаолиятида аниқланган.

Шу билан бирга, мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш мақсадида прокуратура органлари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан биргаликда янги қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ва талабларини бевосита ижрочиларга етказиш, улар томонидан қонун ҳужжатларининг нормалари аниқ ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида анча ишлар қилинган.

Маърузада кўрсатиб ўтилганидек, жорий йилда давлатимиз раҳбарининг «Қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ Бош прокуратура таркибида Қонун ҳужжатларининг ижро этилишини назорат қилиш бўйича бош бошқарма ташкил этилди. Бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг муҳим омили бўлди.

Сенаторлар прокуратура органларининг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ва тавсияларни билдирдилар.

Сенаторлар **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини** тингладилар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисобот йилидаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 18 январдаги мажлисидаги маърузасида белгиланган, мамлакат банк тизимининг барқарор ривожланишини ва ишончлилигини таъминлаш ҳамда унинг юқори иқтисодий ўсиш суръатларини, макроиқтисодий мувозанатлиликни, иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш ҳамда диверсификациялашни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича дастурий вазифаларни ҳам бажаришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Ялпи мажлис қатнашчилари мамлакат банк тизимини изчил ва аниқ мақсадни кўзлаб ислоҳ қилиш ҳисобот даврида банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базаси юқори суръатлар билан ўсишини таъминлаш, банкларнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш ҳамда юқори халқаро кўрсаткичларга эришишга, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ҳажмлари ортишига имкон берганлигини таъкидладилар.

Мамлакат банк тизими капиталининг етарлилиги халқаро стандартларнинг энг кам кўрсаткичларидан уч баравар юқори даражада, унинг ликвидлилиги эса норматив талаблардан 2,2 баравар юқори даражада сақланиб қолмоқда. Банкларнинг активлари, шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми ҳисобот йилида 30 фоизга ўсди. Бунда инвестиция мақсадларига берилган кредитларнинг улуши 1,25 баравар кўпайди. Кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳажми 7 триллион сўмни ташкил этган бўлиб, бу 2012 йилдагига қараганда 1,3 баравар кўпдир. Шу жумладан, микрокредитлар ҳажми 1,3 баравар кўпайиб, 1,4 триллион сўмни ташкил этди. Буларнинг барчаси мамлакатда қулай ишбилармонлик муҳитини, кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам берди.

Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан банк тизимига бўлган ишончнинг тобора ўсиб бораётганлиги қайд этилди. Чунончи, тижорат банкларидаги депозитларнинг умумий ҳажми 2013 йил мобайнида 30,2 фоизга кўпайди. Натижада ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг барча банклари халқаро рейтинг агентликлари томонидан «барқарор» рейтинг баҳосига эга бўлган мустаҳкам банклар деб эътироф этилди.

Шу билан бирга, сенаторлар ҳисобот юзасидан ўз чиқишларида қабул қилинган, иқтисодиётнинг барқарор юқори суръатлар билан ўсишини таъминлайдиган пул-кредит сиёсати стратегиясини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ролини кучайтириш, фаолиятининг самарадорлигин янада ошириш, бунинг учун мавжуд захира ва имкониятларни сафарбар этиш зарурлигига эътиборни қаратдилар. Халқаро нормалар, мезонлар ва стандартлардан фойдаланиш амалиётини кенгайтириш йўли билан банк назорати тизимини такомиллаштиришга, банкларнинг инвестициявий фаолиятини оширишга, бунда минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида назарда тутилган лойиҳаларни молиялаштиришга, иш ўринлари ташкил этишга ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга, хотин-қизлар тадбиркорлиги ва оилавий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан сенаторлар тегишли қарорлар қабул қилдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн бешинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати**

# Ҳудудий партия ташкилотларида

## Улуғ айём муносиб нишонланмоқда

**➢ Косонсойлик адолатчилар**

Кейинги йилларда Ўзбекистон "Адолат" СДП Косонсой туман партия кенгаши фаолияти ҳам бирмунча кучайди. Аъзолари сони кўпайиб, бир қатор янги бошланғич ташкилотлар тузилди. Ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар ҳам сони, ҳам мазмундорлиги ошди, мавзу доираси анча кенгайди. Шу кунларда косонсойлик партиядошларимиз йил охирида ўтказиладиган сайловларга ҳам пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Номзодлар сараланиб, улар билан иш олиб борилмоқда. БПТлар ҳам сайловларда қатнашиш юзасидан ўз иштироклари усул ва услубларини белгиламоқдалар.



— Биз мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш асносида ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтирмоқдамиз, — дейди Косонсой туман партия кенгаши раиси Муяссар Каримова. — Бу бўлғуси сайловлар олдидан партиямиз дастур ва ғоялари билан кенг оммани таништиришга ҳам хизмат қилади, деб ўйлайман. Масалан, куни кеча тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий поликлиникада истиқлол байрамига бағишланган давра суҳбати ўтказдик.

Шуни айтиш керакки, марказий поликлиникада фаолият кўрсатадиган бошланғич ташкилот туман кенгаши таркибидаги нуфузли қуйи бўғинлардан ҳисобланади. Бу ерда юз нафардан зиёд партиядошимиз меҳнат қилади. Улар жамоат ишларидаги фаолликларини тобора ошириб бормоқдалар. Албатта, давра суҳбати қатнашчилари биринчи навбатда партиямизнинг Сайловолди дастурида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидладилар.

Айниқса, бу йил "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида кўплаб ибратли ишлар қилинаётгани қайд этилди. Бу борада тиббиётчи партиядошларимиз ҳам намуна кўрсатмоқдалар. Аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан сифатли ўтказиш, ҳеч бир кишини эътибордан четда қолдирмаслик — асосий вазифалардан бири. Бироқ иш шу билангина тугамайди. Хасталиклари аниқланганларни ҳисобга олиш, уларни даволашни изчил йўлга қўйиш ва соғайишига эришиш асосий мақсад ҳисобланади. Чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказувчи гуруҳлар таркибига киритилган турли мутахассисликлардаги шифокорлар етарли тажрибага эгалар ва зиммаларига юклатилган вазифани пухта уддаламоқдалар.

Давра суҳбатининг мавзуси тиббиёт масаласи билан чекланиб қолгани йўқ. Косонсойлик партиядошларимиз етакчиси Муяссар Каримова мамлакатимизда қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар хусусида атрофлича сўз юритди. Чунки у яқиндагина нафақат туманда, балки бутун вилоятда намунавий лойиҳалар асосида турар-жойлар барпо этиш масаласини ўрганиб чиққанди.

— Мен яқинда туманимиз фаоллари билан биргаликда Олмазор массивида қад кўтараётган уйларни кўздан кечирдим, — деди у. — Уларни "Кўшон тезкор қурилиш" масъулияти чекланган жамияти ва "Косонсой само юлдузи" хусусий корхонаси бинокорлари бунёд этмоқда. Фидокорона меҳнат туфайли юқори суръат таъминлангани учун ўн бешта уйнинг ҳаммаси белгиланган муддатидан уч ой илгари, яъни мустақилликнинг йигирма уч йиллиги арафасида фойдаланишга топширилди.

Косонсой, Поп, Наманган, Учқўрғон туманларида илк бор намунавий лойиҳалар бўйича дастлабки 87 та уй-жой 2009 йилда қад кўтарганди. Шундан бери бунёдкорлик ишлари ҳажми тўхтовсиз кенгайиб бораётир. Масалан, 2010-2012 йилларда 500-560 тадан уй қурилган бўлса, бултур бу кўрсаткич 700 тани ташкил этди. Бу йил эса яна 777 та хонадонда ҳовли тўйлари ўтказилиши режалаштирилган.

Жорий йилда Наманган вилояти туманларида таркибида уч мингдан ортиқ киши меҳнат қилаётган пудратчи ташкилотлар кучи билан 123 миллиард сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади. Бу маблағ ҳисобига уй-жойлардан ташқари жуда кўп инфратузилма объектлари ҳам барпо этилади. Улар орасида иккита мактаб, учта қишлоқ врачлик пункти, 29 та маҳалла гузари, 28 та савдо, 25 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 7 та нон цехи, 4 та мини-банк ва бошқа объектлар бор. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш, турмуш тарзини тубдан яхшилаш имконини беради.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Наманган вилояти кенгаши
матбуот котиби

**➢ Фуқаро бурчи**

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида энг улуғ, энг азиз айём – Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш, тинч ва осуда ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1 июлда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан партиядошларимиз томонидан жойларда турли учрашувлар, давра суҳбатлари, тадбирлар ўтказиб келинаяпти. Ана шундай тадбирлар "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТКга қарашли қатор корхона ва ташкилотларда, жумладан, Тошкент юк вагон депоси, "Ўзтемирйўлконтейнер" ОАЖ, Чуқурсой станцияси, соғлиқни сақлаш хизматининг Марказий поликлиникасида ташкил этилди.

## Огоҳлик – осойишталикка етаклайди



Шуни алоҳида айтиш жоизки, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, бебаҳо бойлигимиз бўлган мустақилликни асраб-авайлаш, унинг барқарорлигини таъминлаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Юртимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш — бош мақсадимиз" мавзусига бағишланган тадбирларда маъруза қилган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзоси Тошпўлат Матибаев истиқлол осонликча қўлга киритилмагани, уни мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлидаги заҳматлар ҳақида йиғилганларга атрофлича маълумот берди. У ўз сўзида мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликни таъминлаш, ёшларимизни турли хил ёт оқимлардан, қолаверса, инсоният саломатлигига хавф солаётган гиёҳвандлик каби иллатлардан асраш борасида талайгина ишлар олиб борилаётганини эътироф этди.

— Бугун инсоният глобал қарама-қаршиликлар, геосиёсий ўйинлар авжига чиққан таҳликали замонда яшаяпти. Бундай шароитда ҳушёрликни ҳар қачонгидан ошириш, дўст киму душман ким, ажрата олиш талаб этилади, — дейди Т.Матибаев. — Жаҳондаги маълум бир сиёсий кучлар, мафкуравий полигонлар улкан иқтисодий салоҳият ва қулай геосиёсий мавқега эга бўлган Марказий Осиё минтақасини ўз таъсир остига олиш, ўз мақсадларига эришиш учун минтақада тарихан шаклланган ижтимоий-иқтисодий, маданий, маърифий алоқаларни издан чиқариш, халқлар ўртасига низо солиш, кескинлик ўчоқларини яратишга қаратилган интилишларни олиб бораётгани айни ҳақиқат. Минтақа халқларининг дунёқараши ва маънавиятида ислом дини мустаҳкам ўрин эгаллаганидан фойдаланиб, уларга исломий "сабоқ" бериш, исломни қайта тиклаш байроғи остида ақидапарастликни тарғиб этаётган ёвуз кучлар ҳам йўқ эмас. Шундай экан, юртимиз хавфсизлиги ва тараққиётига бўлаётган ҳар қандай кўринишдаги таҳдид ва хуружларга нисбатан огоҳ бўлиш, уларга қарши кескин кураш олиб бориш, истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ёшларимизни турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялаш юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг фуқаролик бурчи ва масъулиятига айланмоғи даркор.

Учрашувларда "Оқаётган сув қадри" номли ҳужжатли фильм намойиш этилди. Маърузаларнинг билвосита давоми бўлган мазкур фильм барчада катта қизиқиш уйғотиб, аудиторияни баҳс-мунозарага чорлади. Бу ўз навбатида тадбирнинг жонли, таъсирчан ва қизиқарли ўтишига имкон берди.

Бундай тадбирлар, шубҳасиз, ўсиб келаётган ёш авлод онги ва қалбини ёвуз иллатлардан асрашга, уларнинг маънавий иммунитетини кучайтиришга ёрдам беради.

**Ўз мухбиримиз**



## Партия кучи ва салоҳияти фаол, ташаббускор БПТларга боғлиқ

**➢ Сиёсий ўқув**

Ҳар бир сиёсий партия ўз аъзолари ва тарафдорларини кўпайтиришга интилади. Бунинг учун сиёсий партия, аввало, электорат билан изчил иш олиб бориши керак бўлади. Ана шунда фуқаролар ишончини қозониш, аъзоларнинг қўллаб-қувватлашига эришиш мумкин. Бу эса кўп жиҳатдан бошланғич ташкилотлар фаоллигига боғлиқ. Чунки электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, аъзоларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, партия дастурий мақсадларини амалга оширишда бошланғич ташкилотлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Бўз туман кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган "Бошланғич партия ташкилоти — партиянинг мустаҳкам пойдевори" мавзусида ўтказилган давра суҳбатида ҳам айни шу мавзуда сўз борди. Унда БПТ етакчилари, ҳамкорликда ишловчи ташкилотларнинг раҳбарлари ва партия фаоллари иштирок этди.

Давра суҳбатида қуйи ташкилотлар фаолиятини кучайтириш, БПТ ташкил этишнинг қонуний асослари юзасидан Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари М.Мусаева ва бош мутахассис Ғ.Раҳимовнинг маърузалари тингланди. Иштирокчиларни бу борада қизиқтирган саволларига жавоб берилди.

**Нигора Сотволдиева, туман тиббиёт бирлашмаси қошидаги БПТ етакчиси:**

— Муҳим тадбирлар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар айнан бошланғич партия ташкилотларида кўпроқ ўтказилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман. Бу жараёнда юқоридан қуйига эмас, қуйидан юқорига механизми ишлаши керак. Бошланғич партия ташкилоти етакчилари учун махсус ўқувлар ташкил этиш, сиёсатшунослар томонидан тавсиялар ишлаб чиқиш, бу борада жаҳон тажрибасини ўрганиш ғоятда зарур.

Ҳар ҳафтанинг душанба куни бошланғич партия ташкилотимизда долзарб масалаларга бағишланган сиёсий ўқув ва семинар-тренинглар ўтказилиб келинмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган семинарда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда Ўзбекистон "Адолат" СДП ташкилотлари ва депутатлик корпуси олдида турган вазифалар муҳокама этилди.

Мутахассисларнинг аҳоли тиббий маданиятини ошириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни турли зарарли иллатлардан асрашга бағишланган маърузалари эшитилди. Кўтарилган таклиф ва тавсиялардан келиб чиққан ҳолда, тарғибот гуруҳимиз режасига таклиф ва ўзгартиришлар киритилди.

Бўз туманида бугун 18 та БПТ фаолият юритмоқда. Улар ўз атрофига 400 нафардан ортиқ партия аъзоларини бирлаштирган. Туман тиббиёт бирлашмаси ва Бўз педагогика коллежидаги БПТлар томонидан амалга оширилаётган ишлар эътиборли. Мазкур қуйи бўғинларнинг энг катта ютуғи — жойларда ўтказилаётган тадбирларни депутатлар билан ҳамкорликда ташкил этаётганида. Хусусан, партия сайловолди Платформасида белгиланган ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, истеъдодларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш каби вазифалардан келиб чиққан ҳолда қуйи бўғин ва депутатлар ҳамкорлигида "Ёшлар — мамлакат таянчи", "Одам савдосидан огоҳ бўлинг", "Мустақиллик бахт ва фаровонлигимиз асосидир", "Ҳушёрлик ва сергаклик — давр талаби", "Ёшлар — эртамиз эгалари", "Обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш эзгу мақсадимиз" каби тадбирлар ўтказилди.

Дарҳақиқат, бошланғич партия ташкилотлари аъзолари депутатлар ва партия фаоллари кўмагида "Соғлом оила — соғлом фарзанд — соғлом келажак" мавзусида "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга қаратилган тадбирларни ноанъанавий тарзда, мавзуни ёритувчи саҳна кўринишлари, театрлаштирилган томошалар орқали талқин этишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. "Соғлом оила — соғлом келажак", "Мустаҳкам оила — мустаҳкам жамият", "Баркамол авлодни тарбиялашда оила ва маҳалла ҳамкорлиги" мавзуларида ўтказилган тадбирлар шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, қуйи бўғин аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳам доимий эътиборда. Ўтган йилда партия ғоялари тарғиботига қаратилган ўқув-семинарларга қуйи бўғин фаоллари мунтазам жалб қилинди. Жорий йилда эса бу масалага янада кўпроқ аҳамият қаратилмоқда.

Қуйи бўғин фаоллари иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, партиянинг дастурий мақсадларини кенг тушунтириш ва улар бандлигини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Айни пайтда партия фаоллари 30 нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминланишига кўмаклашиш учун амалий ҳаракатда.

Мухтасар айтганда, айни кунда Бўз туманидаги қуйи бўғинлар партия дастурий мақсадлари ижросини таъминлаш, партия хайрихоҳлари сафини кенгайтириш ва энг асосийси, жамият ривожи ҳамда юрт равнақи йўлида фаол ҳаракат қилиб келмоқда.

— БПТлар томонидан олиб борилаётган ишлар туманда партиямизнинг обрўси ортишига ҳам хизмат қилмоқда. Илгари қуйи ташкилотлар туман кенгаши томонидан бериладиган топшириқларни бажариш билан чегараланиб қоларди. Эндиликда уларнинг ўзлари ташаббус билан чиқмоқда, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Бўз туман кенгаши раиси Коммуна Абдураҳмонова. — Айниқса, одамларни депутатлар ва ҳамкор ташкилотлар кўмагида оилавий тадбиркорликка жалб қилишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Хусусан, жорий йилда Бўз туманида касаначилик, паррандачилик, балиқчиликни йўлга қўйиш эвазига 30 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, бошланғич ташкилотларимизда партия гуруҳи билан ҳамкорликда аҳоли мурожаатларини ўрганиш борасида катта тажриба тўпланган. Ўтган давр мобайнида фуқаролардан ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш, уй-жой коммунал хўжалиги масалалари юзасидан мурожаатлар тушди.

Мазкур масалаларни ҳал этиш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларига депутатлик сўровлари юборилди. Натижада мурожаатлар қисқа муддатларда ўз ечимини топди. 2014 йилнинг ўтган даври мобайнида ўнлаб километр ички йўллар таъмирланди, 2 та маҳаллада ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Демак, бошланғич ташкилот қанчалик кучли, ташаббускор бўлса, юқори партия ташкилотларини, маҳаллий Кенгаш депутатларини ҳаракатга келтиради, фаолликка ундайди. Энг муҳими, аҳолини ўйлантираётган масалалар жойида ўрганилади ва ўз вақтида бартараф қилинади.

Бироқ айрим БПТлар фаолиятини қониқарли, деб айтиш қийин. Бугунги тадбирдан кўзланган мақсад ҳам ана шундай қуйи ташкилотлар ишини яхшилашга эришиш орқали уларни чин маънода партиянинг мустаҳкам пойдеворига айлантириш.

Тадбир давомида амалдаги йилда ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва муносиб номзодларни танлаш борасида ҳам сўз борди. Бу борада олдинда турган вазифалар белгилаб олинди.

**Акбаржон НАЗАРОВ**

ADOLAT
№ 34-35 (995) 2014-yil
29-avgust, juma

# Адолатли жамиятдан

## изчил тараққиёт сари

Давоми. Боши 1-бетда

Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг XII Пленумида белгилаб олинган Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижросини бажаришга доир чора-тадбирлар дастуридан келиб чиқиб, биз учун энг улуғ ва энг азиз бўлган мустақилликнинг, унга эришиш йўлида ҳалқимиз босиб ўтган машаққатли йўл ҳамда истиқлолимизнинг ўтган 23 йили давомида қўлга киритилган ютуқ ва марраларнинг мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил қилиш, уни кенг жамоатчилик ва партия фаоллари орасида тарғиб этишга қаратилди.



Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" номли асаридаги илмий ва амалий жиҳатдан асосланган фикр-мулоҳазалари давра суҳбатининг руҳини белгилаб берди.

Мустақиллик халқимизга адолат ва тенг ҳуқуқлилик асосида миллий ғурур туйғуси ҳамда ўзликни англаш негизида янги демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш имкониятини берди.

Тадбир аввалида билдирилган ушбу фикр қатнашчиларни биз танлаган тараққиёт йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий экани, эришилаётган ютуқ ва марраларнинг, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини теран англаш, уларни атрофлича мушоҳада қилишга чорлади.

Анжуманда сўзга чиққанлар мамлакатимиз давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ва ўтган 23 йил мобайнидаги бунёдкорлик ишлари ҳамда барча соҳалардаги эришилаётган ютуқлар ҳақида гапириб ўтдилар.

Таъкидланганидек, турли соҳаларда ўсиш, янгиланиш, мамлакатимиз қўлга киритаётган барча муваффақиятларнинг бош омили, аввало, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликнинг таъминланаётганлигидадир. Зеро, Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона ички ва ташқи сиёсатнинг асосини тинчликпарварлик, давлатлар ва миллатлараро тотувлик каби эзгу мақсадлар ташкил этади.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, маънавият ва маърифатга жамият тараққиётининг ҳал қилувчи кучи сифатида қараб келинмоқда. Айниқса, ёш авлоднинг таълим-тарбияси, салоҳиятини юксалтириш, истеъдодини намоён этиши учун қулай имкониятлар яратилгани тадбирда сўз олганлар томонидан аниқ мисолларда кўрсатиб ўтилди.

— Мамлакатнинг миллий тараққиёт йўли тажрибаси ва унинг миллий хусусиятларидан келиб чиқиб, Юртбошимиз томонидан "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти



сари" тамойили "ўзбек модели"га хос ислоҳотларнинг асоси сифатида қабул қилинганлиги туфайли ҳам мамлакатимиз қисқа давр ичида асрларга татигулик йўлни босиб ўтишга эришди ва шу йўл орқали жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ҳамда нуфузига эга бўлди, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси А.Раҳмонов. — Энг муҳими, янгича таълим тизими яратилди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда умумий ўрта таълим олиш билан биргаликда, касбий таълимга йўналтирилган тизим ҳам йўлга қўйилди. Бунинг натижасида фарзандларимизнинг ҳар бири ижтимоий ҳаётда керак бўладиган мутахассисликларга эга бўлмоқда. Шуни алоҳида айтиб ўтиш кераки, буларнинг ҳаммаси давлат маблағлари ҳисобига амалга оширилаётир. Давлатимиз томонидан таълимни ривожлантиришда нафақат моддий таъминотни амалга ошириш, балки маънавий жиҳатдан ҳам эътибор бериб келинмоқда. Давлат бюджетининг қарийб 40 фоизидан зиёдроқ қисми, айнан ижтимоий соҳага йўналтирилганлигининг ўзиёқ мамлакатимиз ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосида тараққий топаётганини англатади.

Бугун мустақиллик ва унинг шарофати билан халқимиз қўлга киритган эркинлик нафаси, шу озод ва обод Ватанда тинч-осойишталикда, тўкин ва фаровон турмуш кечириш бахти ҳақида ҳар қанча ғурурланиб гапирсак арзийди. Лекин истиқлолга, шундай дориломон кунларга етишиш йўлида халқимиз қандай машаққатли йўлларни босиб ўтганлиги, собиқ иттифоқ парчаланиш арафасида турган ўтган асрнинг 90-йилларидаги талатўплардан Президентимиз Ислом Каримовнинг халқимизни қандай олиб чиққанлиги тўғрисида, айниқса, ёшларга кўпроқ гапириб беришимиз, Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорида кўрсатилганидек, "Ким эдигу ким бўлдик?" деган мантиқий қиёснинг мазмун-моҳиятини чуқур тушунтиришимиз зарур. Барчамиз учун улуғ ва муқаддас сана муносабати билан бугун жойларда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, партия Сиёсий Кенгаши, унинг қуйи бўғинлари, қолаверса, фаоллари томонидан олиб борилаётган маънавий-маърифий ва оммавий-маданий тадбирларда ҳам айни шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Анжуманда маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувларни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, айниқса, юртимизнинг чекка қишлоқларида ташкил этиш юзасидан кўплаб таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди, вазифалар белгилаб олинди.

**Ўз мухбиримиз**

# Электрон тижорат

## савдо операцияларининг шаффофлигини таъминлайди

Давоми. Боши 1-бетда

Маълумки, 2004 йилда қабул қилинган ва амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат тўғрисида"-ги қонуни мавжуд. Ушбу йўналишда шунингдек, "Электрон тўловлар тўғрисида"ги, "Электрон рақамли имзо тўғрисида"-ги қонунлар ҳам мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда, уларга қулайлик яратишда ҳамда ҳуқуқларини таъминлашда қонунчиликни ривожлантириш ва замон талаби бўлмиш ахборот-коммуникацион технологияларга катта эътибор бериш талаб қилинмоқда. Шу боис "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонунни янги таҳрирда ишлаш зарурати туғилди.



Амалдаги қонундан фарқли равишда янги таҳрирдаги қонун лойиҳасида АКТнинг тобора ривожланиб бораётганлиги, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, бу борадаги талаблар, механизмларни такомиллаштириш ва фойдаланишда имкон қадар иштирокчиларга содда, аниқ хизматлар кўрсатишни йўлга қўйишга эътибор кучайтирилган.

Йиғилишда қайд этилганидек, янги таҳрирдаги қонун республикада электрон тижоратни янада ривожлантириш ва рағбатлантиришни кўзда тутади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат органлари ва хўжалик субъектлари, шунингдек, аҳолининг кундалик фаолиятида ахборот технологияларини кенг татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқдаки, бу давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Бугунги кунда жаҳоннинг йирик савдо компаниялари анъанавий савдо усуллари билан бирга электрон тижоратдан ҳам кенг фойдаланаётгани халқаро тажрибадан маълум. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, дунё аҳолисининг 10 фоизи харидларни интернет тармоғи орқали амалга оширмоқда ва бу кўрсаткич кундан-кунга ўсиб бормоқда. Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашуви тегишли технологияларни нафақат ташқи бозорда, балки ички бозорда ҳам амалда жорий этилишини тақозо этаётир.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси республикада олиб борилаётган демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш доирасида электрон тижорат соҳасини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Муҳокамалар жараёнида фракция аъзолари янги таҳрирдаги "Электрон тижорат тўғрисидаги"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикрларини билдирдилар.

**Камола ҲАМИДОВА, фракция аъзоси:**

— Қонун лойиҳасининг асосий мақсади — электрон тижоратнинг самарали фаолият кўрсатиши, товарлар савдоси, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатишни электрон ҳужжатлар ва хабарлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш учун қулай шароит яратиш, шунингдек, электрон тижоратни амалга ошириш ва электрон тижорат иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мукаммал механизмларини яратишдан иборат.

Маълумки, электрон рақамли имзони қўллаш технологияси олдиндан томонлар ўртасида тузилган ўзаро шартномавий муносабатлар мавжуд бўлишини ёки оммавий калитларни тасдиқловчи марказлар хизматларидан фойдаланишни тақозо этади.

Бу соҳадаги халқаро амалиётда чакана савдони амалга ошириш учун товарларни интернет-магазинлар орқали харид қилишда, қоида тариқасида, хабар жўнатувчиларни идентификация қилиш имкониятини берувчи воситалардан фойдаланилади (жумладан, мобиль телефонига ёки электрон манзилига бир марталик идентификаторларни жўнатиш усули билан).

Ҳозирги кунда республика банк тизимида онлайн режимида банк карталаридан тўловларни интернет тармоғи орқали амалга ошириш механизми яратилган, масофадан банк хизматларини кўрсатиш тизими ҳам кенг йўлга қўйилган. Шу муносабат билан, қонун лойиҳасида битимлар тузиш жараёнини соддалаштириш учун электрон битимларни расмийлаштиришни осонлаштириш имконини берувчи бир марталик идентификаторлардан ва бошқа имзолардан фойдаланишга рухсат этилмоқда.

Бу борада хорижий тажрибадаги амалиёт қуйидаги уч хил йўналишда амал қилаётганлигини кўриш мумкин:

Биринчи йўналиш, фуқаролик қонунчилигининг умумий қоидалари ва ахборот технологиялари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида (Ҳиндистон, Болтиқбўйи ҳамда МДҲ давлатларининг аксарияти);

электрон ҳужжатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида (Беларусь, Украина, Италия);

электрон тижорат ва электрон рақамли имзони тартибга солувчи алоҳида қонунлар асосида (АҚШ, Жанубий Корея, Сингапур, Австралия, Канада, Россия Федерацияси ва бошқалар).

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва амалиётида электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиш тартиби махсус қонунчиликка асосланади.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида электрон тижоратда битимлар тузиш ва бошқа юридик ҳаракатларни амалга оширишда электрон ҳужжат (хабар)лардан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган муносабатлар тартибга солиниб, электрон ҳужжат (хабар)лардан фойдаланган ҳолда шартномалар тузишнинг ўзига хос хусусиятлари, электрон тижорат иштирокчиларига бўлган талаблар белгиланган.

Қонун лойиҳасида электрон тижорат иштирокчилари маълумотлари ва шахсий маълумотлар хавфсизлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши орқали электрон тижорат тизими янада кенгроқ жорий этилиши қатор афзалликларни беради.

Энг аввало, савдо операцияларини амалга ошириш бўйича харажатлар (транзакцион харажатлар) анча камаяди, электрон тижорат субъектларининг бир-биридан географик узоқлиги билан боғлиқ муаммолар ҳал этилади. Сотувчилар ва харидорлар ўртасида тўғридан-тўғри тезкор равишда шартномавий муносабатларни ўрнатиш учун шароит яратилади, шу жумладан, бозорда янги иштирокчилар пайдо бўлади (бундай шароитда кичик бизнес субъектлари халқаро бозорда ҳам самарали рақобат қилиши мумкин бўлади).

Ахборот тармоқлари воситасида электрон савдо операцияларининг шаффофлиги ошади, бу эса сотувчилар ва харидорларга қисқа фурсатда нархлар, сифат ва товарни етказиб бериш билан боғлиқ турли рақобатчилар таклиф этган маълумотларни олиш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, таклиф этилаётган қонун лойиҳаси партиямиз сайловолди дастуридаги жамиятнинг барча жабҳаларига замонавий ахборот коммуникация воситаларини татбиқ этиш ҳамда "Электрон ҳукумат"ни ривожлантириш билан боғлиқ ғояларимизга ҳамоҳанг бўлиб, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири бўлган тижорат муносабатлари соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан янада кенгроқ фойдаланиш учун қулай имконият яратади.

Йиғилиш сўнгида фракция аъзолари янги таҳрирдаги "Электрон тижорат тўғрисидаги"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида кўриб чиқиш учун маъқулладилар.

**Илёс САХАТОВ,**
«Adolat» мухбири

**➢ 2014 йил — Соғлом бола йили**

Оила — жамиятнинг асосий бўғини. Унинг тинчлиги, фаровонлиги бевосита юртнинг ривожига сабаб бўлади. Шу боис мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ оилалардаги муҳитни соғломлаштириш, оналар ва болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш масаласига юксак даражада эътибор қаратилмоқда. Бундай эътибор халқимизнинг оилани муқаддас маскан деб билишдек қадрият даражасига кўтарилган мафкурасига ҳамоҳанг келиши кутилган самарани бераётганини бугун бутун дунё тажриба сифатида ўрганмоқда, эътироф этмоқда.

# Зарур рисолалар тақдимоти ўтказилди

Айниқса, она ва бола саломатлигини яхшилаш, уларнинг моддий асосларидан тортиб маънавий дунёсини бойитиш масалалари деярли ҳар бир Давлат дастурида устувор вазифа сифатида белгиланиши нафақат тор доирадаги ташкилот, мутахассисларнинг, балки жамиятимиз ҳар бир аъзосининг зиммасига катта масъулият юклайди.

1998 йилдан буён Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида фаолият юритиб келаётган "Оила" илмий-амалий маркази ҳам давлатимизда оилага тааллуқли бой ва сермазмун миллий анъаналарни авайлаб-асраш, уларни умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонликларини ошириш муаммоларини илмий ўрганишни ва фуқароларга бу масалаларда амалий ёрдам беришни мувофиқлаштириш билан шуғулланиб келаётган жамоат ташкилоти сифатида бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Жумладан, "Соғлом бола" йили Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида Марказ ҳамда Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЁИҲ, "Ижтимоий фикр" ташкилотлари ташаббуси билан кенг омма аудиториясига мўлжалланган 11 номдаги рисолалар тақдимоти бўлиб ўтди. "Минг бир саволга психологнинг минг бир жавоби", "Оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий ҳужжатлари", "Ҳунарим — гавҳарим", "Оилавий муносабатларнинг ижтимоий психологик муаммолари", "Ажралишнинг олдини олиш бўйича психологик тавсиялар", "Фарзанд тарбияси: хатоликлар ва уларнинг олдини олиш чоралари", "Оила ва саломатлик", "Оталикнинг олий мақоми", "Экологияга илк қадамлар", "Оилада экологик маданият", "Оила иқтисоди — оила фаровонлиги асоси" номли мазкур китобларнинг бошқа рисолалардан фарқли жиҳати, уларда ҳар бир мавзу кенг оммага тушунарли, қисқа, лўнда услубда ифода этилган.

— Ўқувчининг эътибори ва қизиқишини ошириш, масаланинг асл моҳиятини янада ишонарли шарҳлаб бериш мақсадида рисолалар ҳаётий мисоллар ҳамда ранг-баранг суратлар билан бойитилган, — дейди "Оила" илмий-амалий маркази директори Ҳ.Мамадалиева. — Замон талабидан келиб чиқиб ишланган қўлланмаларнинг ташқи кўринишидаги жозибадорлик унинг ичидаги сермазмун мақола, тезисларга қизиқишни ошириши табиий. Ушбу китоблар маҳалла, мактаб, ўқув муассасаларида ўтказиладиган давра суҳбатлари, учрашувларда кенг жамоатчиликка тарқатилиши, тарғиб қилиниши кўзда тутилган.

Тақдимот доирасида пойтахтимизда ўтказилган матбуот анжуманида мазкур рисолалар муаллифлари бевосита иштирок этиб, уларнинг яратилиш тарихи, мавзулар кўлами ва долзарблиги ҳамда мамлакатимизда оила институтини янада мустаҳкамлаш юзасидан киритилган таклиф ва тавсиялар бўйича фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**С.СОДИҚОВА**

# Ҳаваслар ҳақиқатга айланди

Сирдарёда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 15 ноябрда қабул қилинган қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2014 йил дастури тўғрисидаги қарорига мувофиқ, беш юз олтита замонавий уй-жой барпо этилмоқда.



Энг улуғ, энг азиз айём — мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами арафасида ушбу уй-жойларнинг қурилиш ва пардозлаш ишлари якунига етган олтмиштаси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тегишли тартибда имтиёзлар бериш, уй-жой билан таъминланиш даражасини янада яхшилаш, қишлоқларни янада обод ва гўзал масканларга айлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Янги ҳовлимиз тўйи Мустақиллик байрамига уланиб кетди, — дейди сардобалик Нигора Ҳамидова. — Истиқлол айёмини кенг ва баҳаво, барча шароитларга эга кўркам уйда кутиб олаётганимиздан бахтиёрмиз. Бундай замонавий шароитларда яшашни илгари орзу қилардик, шаҳарликларга ҳавасимиз келар эди. Истиқлолнинг шарофати, Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги туфайли бу орзулар рўёбга чиқди, ҳаваслар ҳақиқатга айланди.

**А.МУСТАФОҚУЛОВ,**
ЎзА мухбири

# Pharmed

## хусусий корхонаси жамоаси

**Юртдошларимизни улуғ ва ҳаммамиз учун азиз айём — Истиқлолимизнинг 23 йиллиги билан қутлайди!**

Барча-барчангизга узоқ умр, оилавий бахт, бунёдкорлик ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайди.



**Ўзбекистон аталмиш заминимиз доимо тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!**

Хизматлар лицензияланган.

ASAKA BANK

# Ҳурматли юртдошлар!

## "Асака" банк жамоаси

**Сизларни мамлакатимиз Мустақиллигининг 23 йиллиги байрами билан қутлайди ҳамда миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:**

**«МУСТАҚИЛЛИК 2014»**

**Ушбу омонат учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.**

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 60 ҳамда хорижий валютада 30 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.
Мурожаат учун:
«Асака» банк филиаллари телефонлари:
**120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 298-02-10 |
| Асака филиали | 374 | 233-15-68 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-06 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-91-45 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 770-24-09 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-75 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-70-05 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-75-40 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-56 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-96-03 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**"Асака" банк сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.**




IPOTEKA BANK

Mustagillikka 23 yil



# Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

*Хизматлар лицензияланган.*

ÓZBEKISTON ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

# Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши фаоллари

**Меҳнатсевар, бунёдкор халқимизни, шу жумладан, партия аъзоларини, фидойиларини барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги билан самимий муборакбод этади.**







**Истиқлол шукуҳи ила эркин ва обод юртимиз йил сайин тараққий этиб, гуллаб-яшнаб бормоқда. Унинг бугунги истиқболига, эришган барча ютуқларига асло кўз тегмасин.**



**Истиқлолимиз боқий, халқимиз ҳамиша омон бўлсин!**

# "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси

## "Жанубгазтаъминот" унитар корхонаси жамоаси

*меҳнатсевар, қалби пок, аҳил-иноқ халқимизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллиги байрами билан муборакбод этади.*

Барчангизга тинчлик-хотиржамлик, хонадонингизга файзу барака тилайди.





# Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти кенгаши фаоллари

O'ZBEKISTON ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**Сиз азиз юртдошларимизни, партия фидойиларини, барча партиядошларимизни ҳаммамиз учун қадрли бўлган энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллиги байрами билан қизғин муборакбод этади.**





Истиқлол айёми барчангизга олам-олам қувонч бағишласин. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин. Ҳар биримиз учун севимли бўлган ягона ва муқаддас она Ватанимиз — гўзал Ўзбекистонимиз мангу гуллаб-яшнасин!






# Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти кенгаши фаоллари

O'ZBEKISTON ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**Бутун Ўзбекистон халқини, шу жумладан, партия аъзоларини энг улуғ ва энг азиз байрам —**

**ВАТАНИМИЗ ИСТИҚЛОЛИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИ**

**айёми билан самимий табриклайди!**



*Муборак айём ҳар бирингизга олам-олам қувонч бағишласин, оилаларимиздан қут-барака аримасин.*
*Ҳамиша осмонимиз мусаффо, заминимиз тинч ва фаровон бўлсин!*





**Мустақиллигимиз абадий бўлсин!**














«Dori-Darmon»
акциядорлик компанияси
Ўзбекистон халқини ҳаммамиз
учун энг улуғ, энг азиз байрам —
Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги
билан самимий қутлайди!
Ушбу нурафшон айёмда
барчага мустаҳкам соғлиқ,
яхши кайфият, оилавий бахт-саодат
ва янгидан-янги муваффақиятлар
тилаймиз!
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

DORI DARMON

*Хизматлар лицензияланган.*

ADOLAT
№ 34-35 (995) 2014-yil 29-avgust, juma



# Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

## Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳридаги «BUILDING MATERIALS PRODUCTION AND TRADING GROUP» ва «FERGANA CEMENT» ҚЎШМА КОРХОНАЛАРИ ЖАМОАЛАРИ





**кўп миллатли Ўзбекистон халқини,
барча ишлаб чиқарувчиларни,
ҳамкасблар ва ҳамкорларни
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллиги
байрами билан самимий муборакбод этади!**











Ҳурлар ичра ҳур, тенглар ичра тенг, эртаси порлоқ, келажаги буюк жонажон Ватанимизни янада юксалтириш, Истиқлолимизни бундан-да мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини тобора оширишга муносиб ҳисса қўшаётган ҳар бир юртдошимизнинг бунёдкорона фаолияти ва яратувчанлик ишларида улкан зафарлар тилайди.

Мустақиллик шарофати билан юртимизда барча соҳалар тараққий этиб бормоқда. Қулай ишбилармонлик муҳити юзага келганлиги боис хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиб, янги соҳа эгалари ўз орзу-мақсадларига етишмоқда. Иқтисодиётдаги янгиланишлар ва туб ўзгаришлар эвазига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш салмоғи йилдан-йилга ортиб бораяпти. Жумладан, 2014 йил биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича МДҲда биринчи ўринни эгаллади.

Мамлакатимизда бу соҳа ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,1 фоизга ўсганлиги қалбларимизга қувонч бағишлайди. Дунё эътироф этаётган бундай ютуқлар таълим, тиббиёт, спорт ва бошқа соҳаларда ҳам кўпайиб бораяпти.






Юртимизда кечаётган кенг қамровли ислоҳотларга қанот бағишлаётган меҳнаткаш, фидойи, бунёдкор халқимиз ҳамиша соғ-омон бўлсин.

Жаннатмонанд диёримиздаги тинчлик-осойишталик, фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва миллатлараро тотувлик йил сайин метиндек мустаҳкамланиб бораверсин.

Мустақил Ўзбекистонимиз доимо гуллаб-яшнасин! Бугунги дориламон кунларимизга ҳеч қачон кўз тегмасин!

**Озод ва обод юртимизнинг мусаффо осмони узра ҳуррият қуёши тоабад нур сочиб тураверсин!**

# Имкониятлардан фойдаланишимиз шарт

**➢ Депутатлик гуруҳларида**

Ҳар қандай сиёсий партия илгари сураётган ғояни жамоатчилик орасида кенг оммалаштириш, унинг мақсад ва вазифалари моҳиятини кенг тарғиб этиш кўп жиҳатдан қуйи бўғинлар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Шу маънода ҳам бугунги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнлари партияларнинг ҳудудий кенгашлари фаолиятини ҳамда депутатлик гуруҳлари ишини янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Зеро, айнан парламент ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган ғоят муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент ҳамда депутатлик назоратини ўрнатишдан иборат экани тез-тез тилга олинаётгани бежиз эмас.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида яратиб берилган имконият ва ваколатлар, энг аввало, сиёсий партиялар, уларнинг вилоят кенгашлари, хусусан, депутатлик гуруҳлари фаолиятини ҳам кучайтириш учун кенг йўл очиб берди. Биргина «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»-ги қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда парламент ҳамда сиёсий партияларнинг роли ва масъулиятини оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Жойларда депутатлик назоратининг энг муҳим ва самарали усулларидан бири бўлган назорат-таҳлил фаолияти сезиларли даражада кучайди. Депутатлик гуруҳлари томонидан маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига олиб чиқилаётган масалалар қамрови кенгайиб, уларда ижро ҳокимияти органларининг ҳисоботларини эшитиш кенг йўлга қўйилди.

Масалан, 2014 йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилоятининг маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан 20 та назорат-таҳлил фаолияти ўтказилиб, сессияларга киритилган 6 та масаланинг 4 таси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Депутатлик гуруҳлари томонидан айнан ана шу даврда 10 та эшитув ўтказилиб, уларда маҳаллий ижро ҳокимияти раҳбарларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир ҳисоботлари эшитилгани ҳам яратиб берилган ушбу ижобий имкониятларнинг натижасидир.

Шу ўринда вилоят партия кенгашининг дастурий ғоялар тарғиботи доирасида ўтказган семинарлари, давра суҳбатлари ва тадбирларига ҳам тўхталиш мумкин. Ана шу тадбир орқали 20 минг нафардан зиёд фуқаролар қамраб олинди. Энг муҳими, улар томонидан электорат манфаатига мос таклифларни сессиялар кун тартибига олиб чиқишга қаратилган ўнлаб амалий таклифлар олинди.

Бундай ўзгаришлар, шубҳасиз, сайловчи ва электорат вакиллари эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Лекин ана шундай натижаларга қарамай, айрим туманларда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан ҳудудий дастурлар ижросини бажариш юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатишда сусткашликларга ҳам йўл қўйилаётганидан кўз юммаслик керак. Хусусан, маҳаллий Кенгаш сессияларига олиб чиқилаётган масалаларни таҳлил этсак, уларда партия электорати манфаати ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларга қонун доирасида амалий кўмак беришдан кўра кўпроқ экология, атроф-муҳит муҳофазаси, жойларда коммунал хизмат сифати билан боғлиқ масалалар қамраб олинаётганини кўриш мумкин.

Мисол учун, Гурлан ва Шовот туманларидаги сайлов округларидан сайланган депутатларимиз халқ вакили сифатида ўз ҳудудидаги ички йўлларни таъмирлаш ишлари, айрим маҳаллаларда ичимлик суви билан боғлиқ масала юзасидан назорат олиб борилганини маълум қилади.

Хўш, бундай мисоллардан қандай хулоса чиқариш мумкин? Энг аввало, бу маҳаллий Кенгаш депутатлари билан сайловчи ўртасидаги муносабат охир-оқибат муайян бир масалалар ечимига олиб келаётганини кўрсатади. Бир қарашда депутатлар рисоладагидек фаолият олиб боряпти. Аммо масалага чуқурроқ ёндашсак, айрим депутатлар маҳаллий ҳокимликлар, тегишли давлат ташкилотлари ишини такрорлаётгандек туюлади.

Зеро, сиёсий партиялар, уларнинг жойлардаги вакиллари, айниқса, депутатлар фаолиятидан кўзда тутилган мақсад муайян ҳудуд, ҳатто мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўз таъсирини кўрсатиш эмасми?! Ана шундай масалалар кенгашлар ва улар қошидаги депутатлик гуруҳларининг доимий диққат марказида турса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу борада сўз кетганда, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таҳлил этиш, назорат қилиш, лозим бўлса, йўл қўйилаётган камчиликларга муносабат билдириш ушбу тузилмалар зиммасидаги бирламчи вазифа экани маълум бўлади.

Бу эса яратиб берилган имкониятлардан ҳалигача етарли фойдаланмаётганимизни кўрсатади, холос. Жумладан, депутатлик гуруҳларининг депутатлик назорати ва сўрови институтидан фойдаланишини ҳам талаб даражасида, деб бўлмайди. Демак, ҳудуд учун долзарб масалаларни сессиялар кун тартибига киритиш, ижро ҳокимияти органлари мутасаддиларининг ҳисоботларини эшитишда депутатлардан янада дадиллик талаб этиляпти.

Шу ўринда қуйи тузилмалар айрим ҳолларда партия Марказий аппарати ёки фракциясининг ташаббуслари ижрочисига айланиб қолаётганини ҳам айтиш мумкин.

Шунинг учун ҳам Хоразм вилоят партия кенгашининг кенгайтирилган мажлисида барча партиявий тузилмалар фаолияти танқидий жиҳатдан кўриб чиқилди ва тегишли хулосалар чиқарилди.

Бугун кўпроқ маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари танқиддан тегишли хулосалар чиқаришлари керак. Чунки буни тезкор давр, сайловчи талаби тақозо этаётганини асло унутмаслигимиз лозим.

Зеро, ҳар қандай сиёсий куч сайловдан сайловгача бўлган масъулиятли жараёнда сайловчи ишончини мустаҳкамлаш, ўз мақсад ва вазифалари ижросини таъминлаш учун бор имкониятлардан фойдаланишга интилади. Бу эса келгуси сайловлар муваффақиятига мустаҳкам замин яратади.

Ҳудудлардаги сайловчилар ишончи эса юқорида таъкидланганидек, энг аввало, маҳаллий Кенгашлар, партия фаоллари, депутатлар ва, албатта, бошланғич ташкилотлар иши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳудудлардаги электоратнинг ҳаётий муаммоларини ўрганиш ва уларни юқори партия ташкилотларига етказиш ҳам кенгашлар олдидаги асосий вазифа саналади. Агар улар «сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилида иш тутсалар, депутатликни масъулият сифатида ҳис этмасалар бундан нафақат сиёсий партия, балки унга ишонч билдирган сайловчилар ҳам ютқазадилар.

**Равшан АТАМУРОТОВ,**
халқ депутатлари
Хоразм вилояти Кенгашидаги
Ўзбекистон «Адолат» СДП
депутатлик гуруҳи аъзоси

**➢ Ифтихор**

Одинахон Абдураҳимова Андижон туманидаги 2-умумтаълим мактабида «Камолот» етакчиси. Ташкилотчи, ташаббускор ва изланувчанлиги билан тенгдошларига доим ўрнак. Энг асосийси, у ўзининг Истиқлол тенгдоши экани билан фахрланади.

# Мустақиллик тенгдошиман



— Мен Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган қутлуғ йилда таваллуд топдим. Эсимни таниб биринчи синфга қадам қўйган вақтимдан истиқлол шарофатини, Юртбошимизнинг биз ёшларга қаратаётган эътибори ва ғамхўрлигини дилдан ҳис қилиб улғайдим. Айниқса, истиқлол йилларида таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, мутлақо янги ёндашув ва фалсафа асосида ишлайдиган миллий таълим тизими яратилди. Мамлакатимизда қабул қилинган Миллий дастурга кўра, 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Бу авваламбор 12 йиллик тўлиқ бепул, мажбурий таълим қонуний асосда йўлга қўйилганини англатади. Бу моделнинг муҳим хусусияти шундаки, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг биз ёшлар 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, ҳар биримиз умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-ҳунарларни ҳам эгаллаяпмиз. Гап фақат ана шу имконият ва шароитлардан унумли фойдаланиш ва Юртбошимиз ишончини оқлашда.

Яқинда ўзим ишлаётган 2-умумтаълим мактаби жамоаси билан қадимий шаҳарлар — Самарқанд ва Бухорони зиёрат қилдик. Ҳалигача салобат тўкиб турган тарихий обидаларни кўриб, буюк аждодларимизнинг бунёдкорлик қудратига таҳсинлар айтдим.

Эътиборли томони, Самарқанд шаҳрида бир гуруҳ ҳиндистонлик сайёҳлар билан инглиз тилида эркин мулоқот қилдим. Уларга юртимизнинг меҳнаткаш ва яратувчан одамлари ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилиб бердим. Шунда нуфузли халқаро конференцияга ташриф буюрган ҳиндистонликларнинг бир ҳайратига ўн ҳайрат қўшилди, десам сира адашмаган бўламан. Албатта, бунда менга мактабда ва Андижон давлат университетига қарашли 4-академик лицейнинг хорижий филология бўлимида олган сабоқларим қўл келди.

Ўтган йили «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Энг намунали бошланғич ташкилот етакчиси» кўрик-танловининг республика босқичида 130 нафар иштирокчи ўртасида кучли ўнликдан жой олдим. Яна бир қатор танловларда ғолибликка эришдим. Асосийси, ҳамиша жамиятимизда кечаётган жараёнларга дахлдорлик туйғуси билан яшашга интиламан. Шу маънода жамиятда ижтимоий адолатни, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ғоясини илгари сурган Ўзбекистон "Адолат" СДП сафида бўлишга қарор қилдим.

**Акбаржон НАЗАРОВ**
ёзиб олди.

# Фаоллар тобланмоқда

**➢ Сиёсий ўқув**

Ҳар бир сиёсий партиянинг мавқеи, унинг олиб бораётган фаолияти, сайловчилар манфаати йўлидаги саъй-ҳаракати партия фаоллари, аъзоларининг ташаббускорлигида яққол намоён бўлади. Айниқса, бу борада партиянинг қуйи тузилмалари ҳисобланган туман кенгашлари, бошланғич партия ташкилотларининг аҳамияти беқиёс. Зеро, туман партия кенгашлари «Адолат» СДП ғояларини, унинг мақсад-вазифаларини сайловчилар ўртасида тарғиб-ташвиқ қилса, БПТлар партия сафини янги аъзолар билан тўлдиради.



Тан олиш керакки, номигагина бошланғич партия ташкилоти тузиб, ҳеч қандай фаолият билан шуғулланмай келаётган туман кенгашлари ҳам йўқ эмас. Бироқ, ўзининг фаолияти, аъзолари сони билан ҳатто туман кенгашларига ҳам ўрнак бўлаётган бошланғич партия ташкилотларининг мавжудлиги айни ҳақиқат.

Шу нуқтаи назардан ташкилий қурилишни такомиллаштириш ҳамда бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари ва фаолларининг билимларини ошириш мақсадида ҳудудий партия ташкилотлари ҳузурида ташкил этилган сиёсий ўқувларни янада юқори босқичга кўтариш давр талабига айланди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сирдарё вилояти партия кенгаши ташаббуси билан «Бошланғич партия ташкилотларининг самарали фаолиятини таъминлаш» мавзуида ташкил этилган сиёсий ўқувда шулар хусусида сўз борди.

Вилоят партия кенгаши раиси Аъзам Ибодуллаев сиёсий ўқувлар принципиал жиҳатдан партия аъзоларининг янги қиёфасини шакллантиришга хизмат қилиши зарурлигини таъкидлади.

— Ҳаётнинг ўзи биздан масъулият ва изчилликни талаб этади. Сайловолди дастурларимизда кўрсатилган мақсад ва вазифаларни амалга ошира олсак, «Адолат» партиясининг обрў-эътибори юксалади, — дейди А.Ибодуллаев. — Бизга номигагина расмиятчилик учун ўтказиладиган ўқув тизими керак эмас. Бугун ҳар бир юртдошимиз ўз атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни теран англаши, унинг моҳиятини тушуниши лозим. Чунки дунёга кўзни каттароқ очиб қараш лозим бўлган замонда яшаяпмиз. Шу маънода партия фаолларининг сиёсий таълими шунчаки тадбир бўлмай, балки профессионал ўсиш имконияти ҳамдир. Бу ўқув шахсий салоҳиятни рўёбга чиқариш имконини берадиган муҳим восита ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўқувларга мамлакат тараққиётининг жуда муҳим вазифаларини ҳал этишга қодир, келгуси авлодлар тақдирини ишониб топшириш мумкин бўлган истеъдодли, истиқболли юртдошларимизни таклиф этишимиз ва бундай кишиларни топа билишимиз лозим.

Сиёсий ўқувда таъкидланганидек, бугунги кунда вилоятда қуйи ташкилотлар сони атиги 166 тани ташкил қилади. Улар ўз атрофига жами 5400 нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган. Ушбу натижа фаолиятга танқидий нуқтаи назар билан ёндашишни, кадрлар захирасини сиёсий фаол, етук, ташаббускор инсонлар билан тўлдиришни, ғоявий-сиёсий тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, одамлар орасига чуқурроқ кириб боришни, фаоллар ва депутатлардан, БПТ аъзоларидан ташаббускор бўлишни тақозо этади. Кўппартиявийлик шароитида кишиларни сиёсий партиялар фаолиятига қизиқтириш, жалб қилиш учун, аввало, партия ғоялари тарғиботи, энг муҳими, унинг оддий одамлар ҳаётидаги ўрнини уларга тўғри тушунтириш лозим. Агар партия ғоялари маъқул бўлса, улар ҳаётийлигига ишонсагина, партия сафига кириш истаги билдирилади.

Таъкидланганидек, бошланғич ташкилотлар жойларда партия дастурий мақсадларини тарғиб қилиш билан биргаликда электоратни ташвишга солаётган муаммоларни аниқлаши, таҳлил қилиши ва уларни бартараф этиш йўллари юзасидан партия гуруҳлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиши керак. Қаерда иш шундай ташкил этилган бўлса, ўша ерда бошланғич ташкилотнинг нуфузи ошади, партия ташкилотининг фаолияти ҳам самарали бўлади. Шу боис ҳам бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш, улар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш долзарб вазифаларимиздан ҳисобланади.

Партия ҳудудий тузилмалари ҳаракати муваффақиятини баҳолашдаги асосий мезон партиянинг моҳияти, мақсад ва вазифаларини оммага самарали тарзда етказиш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни профессионал жиҳатдан ўрганиш, фуқаролар муаммоларини ечиш учун фойдаланилмаётган имкониятларни излаб топиш ва ишга тушириш йўли билан ўша муаммоларнинг ҳал этилишига кўмаклашишдан иборатдир. Биз партиянинг дастурий вазифалари аҳоли барча қатламларининг ижтимоий онгига етиб бориши, фуқароларнинг мафкуравий иммунитети мустаҳкамланиши, партия обрўйини сақлаш учун мафкуравий ва ахборот-тарғибот ишларини замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланган ва оммавий ахборот воситалари билан яқин ўзаро ҳамкорлик қилган ҳолда кучайтиришни давом эттиришимиз лозим.

Айни пайтда БПТ етакчилари ижтимоий масалаларни ўрганиб, уларнинг натижаларини юқори партия ташкилоти ва партия гуруҳлари доирасига олиб чиқса, депутатлар кенгашлар сессиялари муҳокамаларига масалалар киритиши учун асос бўлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси уларнинг таклифларини қонунларда акс эттириш учун курашади. Демак, бошланғич ташкилотлар фаоллигини кучайтириш орқали партиянинг жамиятдаги таъсир кучи ошади.

— Партия сафида бўлиш кишининг сиёсий жараёнларда иштирок этиш имконини кенгайтиради, воқеа-ҳодисаларга нисбатан ўз позициясини ривожлантиришга хизмат қилади, — дейди партиянинг янги аъзоси Муҳаббат Сулаймонова. — Мустақил фикрли киши эса ёт ғояларга эргашмайди. Партия фаолиятида иштирок этишнинг шундай жиҳатларини ўйлаб, Ўзбекистон "Адолат" СДП сафига киришга қарор қилдим.

**Шуҳратжон ҲАСАНОВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сирдарё вилояти кенгаши
матбуот котиби

# Истиқлол — энг буюк неъмат

**➢ Тадбир**

Ўзбекистон "Адолат" СДП Касби туман кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишлаб туман тиббиёт бирлашмасида "Ягонасан, мустақил Ватан" мавзуида учрашув ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлолнинг 23 йиллиги олдидан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, бунёдкорлик амаллари энг аввало инсон манфаатларини кўзлаганини, бундай хайрли, эзгу ишлардан ҳеч бир юртдошимиз четда қолмаётганини фахр-ифтихор билан таъкидладилар.

— Ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасидаги демократик ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислоҳотларга партиямиз аъзолари ҳам муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар, — деди вилоят партия кенгаши фаоли Сайёра Юсупова. — Айниқса, одамларимиз онгида истиқлолни асраб-авайлаш, Ватанни улуғлаш туйғуларини кучайтиришимиз зарур. Бу жараёнда хотин-қизларнинг иштироки, фаоллиги партия ғоялари, мақсад ва вазифаларини кенг халқ оммасига етказишда жуда муҳим. Биз фаол аёллар билан тумандаги Муғлон, Миришкор, Майманоқ, Хўжахайрон маҳаллаларида давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар ташкил этиб, истиқлол йилларида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятдаги мақоми, роли ҳамда нуфузини юксалтириш борасидаги ютуқларни кенг тарғиб этаяпмиз.

**Комил САХАТОВ**

ADOLAT
№ 34-35 (995) 2014-yil 29-avgust, juma

➢ 31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни



# Тарихий адолат сабоғи

Истиқлол туфайли халқимиз ўзлигини англаш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилган аждодларимизнинг порлоқ хотирасига эҳтиром кўрсатиш имконига эга бўлди.

Пойтахтимизнинг Юнусобод мавзесидаги Бўзсув соҳилида қад ростлаган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуига қадам қўяр экансиз, қалбингизни маҳзун ҳислар чулғаб олади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида Ватан озодлиги йўлида курашган, миллат ғурури, эл шаъни учун ўз жонини фидо этган инсонлар хотирасини ёдга олиш, нафақат ўтмишимиз, балки бугунги ёруғ кунларимизни ҳам янада теранроқ англаш ва тинч-осуда ҳаётимизнинг қадрига етишга ундайди.

1999 йил 12 май куни Президентимизнинг мустабид тузум йилларида қатағон этилган фидойи ватандошларимизнинг мўътабар хотирасини абадийлаштиришга оид Фармойиши эълон қилингани ва шу йил ёзида давлатимиз раҳбари Юнусобод туманидаги Бўзсув соҳилида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи қандай бўлишини, қаерда хиёбон, қаерда кўприк, қаерда ёдгорлик барпо этилишини кўрсатиб, зарур йўл-йўриқлар берганини барчамиз яхши эслаймиз.

Бугун ушбу маҳобатли мажмуа зиёратчилар билан гавжум масканга айланди. Бир маромда оқаётган Бўзсув қирғоқлари ободлаштирилиб, чиройли манзара касб этди. Бир текис саф тортган арча ва дарахтлар, анвойи гуллар... Мармар зиналардан пастроқдаги майдончада — мовий гумбазли айвон устунлари орасида қатағон қурбонларининг рамзий қабри жойлашган.

Шу ўринда таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг ушбу сўзлари ёдга тушади: *"Шаҳидлар хотирасига бағишланган ёдгорлик юртимизнинг ҳар бир вакили учун энг муқаддас зиёратгоҳ бўлиб қолади. Бу ерга келиб, шаҳидлар ҳақига тиловат қилган ҳар бир инсон яна бир карра уларнинг ишини давом эттириш, мустақил юртимизни обод қилиш, ҳаётимизни фаровон этиш учун ўша қаҳрамонлардек фидокорлик билан иш юритишга жазм қилади"*.

Қатағон қурбонлари... Улар қатл этилган жой сир сақланган, жасадлари дафн этилмаган, ном-нишонсиз кетган, шу боисдан руҳлари қўним топмай кезиб юрган. Яқинлари, қариндош-уруғлари уларнинг қабрини қаердан излашни ҳам билишмаган.

"Шаҳидлар хотираси" зиёратгоҳи — Ватан озодлиги, юрт мустақиллиги йўлида ўз жонидан кечганлар мозори ва уларнинг безовта руҳи таскин топган маскан.

Айтишларича, бир пайтлар бу жой Алвастикўприк ва қўрқинчли жарликлардан иборат бўлган, кечалари даҳшатли ўқ овозлари эшитилиб турган. Теварак-атрофда истиқомат қиладиган одамлардан баъзи бир довюраклари тунлари панада туриб кузатишса, бу ерда одамлар қатл этилар экан. Лекин бу тўғрида суриштириш, гапириш, овоза тарқатиш қатъиян тақиқланган. Шу тариқа ўз Ватанини мустақил кўриш орзусида ёниб яшаган халқимизнинг энг сара ўғлонлари отиб ташланган, бекафан кўмиб юборилган. Маълумотларга кўра, 1937-1953 йилларда 100 мингдан ортиқ юртдошларимиз қатағон қилинган.

Истиқлол йилларида миллий урф-одат ва анъаналаримизни, қадриятларимизни тиклаш, ноҳақ жабрланган тарихий сиймолар хотирасини эъзозлаш, уларнинг ҳаёт йўли ва илмий меросини ўрганиш, бир сўз билан айтганда, тарихий адолатни қарор топтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Юнусобод туманидаги Бўзсув қирғоғида барпо этилган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи шулар шумласидан. Бу зиёратгоҳ инсон туйғуларини она юртига боғлаб туради. Бугунги ёруғ кунларимизга етиб кела олмаган, шу йўлда фидо бўлган собит ва оловқалб оталаримизни ёдга солади, Ватан ва озодлик қадр-қимматини англатади.

— Ука, илтимос бизни суратга олиб қўйсангиз.

"Қатағон қурбонлари хотираси" музейи қаршисида туриб қолган эканман, аёл кишининг овози хаёлимни бўлди.

— Биз Фарғонадан келганмиз, — деганча ўрта ёшли аёл тўрт-беш нафар ўзи тенги дугоналарига қандай ҳолатда суратга тушиш лозимлигини уқтира кетди. Сўнгра менга юзланиб, қўлимга фотоаппаратни тутқазди. — Булар қишлоқдошларим, тўғрироғи собиқ синфдош дугоналарим. Кўпдан буён Тошкентга бориб, "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлигини зиёрат қиламиз, деган ниятда юргандик. Мана, бугун мақсадимизга етдик. Бизни шундай тасвирга олингки, орқадаги манзара яққол кўриниб турсин.

Сураткашлик вазифасини кўнгилдагидек бажарганим учун зиёратга келган аёллар мендан миннатдор бўлишди...

2001 йил 1 май. Бу сана кўп тилга олинади. Шу куни Президентимизнинг "Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Мазкур фармонга кўра, ҳар йили 31 август куни — Мустақиллик байрами арафасида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида қатағон қурбонлари ёд этилади.

"Қатағон қурбонлари хотираси" музейига кираверишда ичкаридаги бўлимларда қандай даврлар ўз аксини топгани ёзиб қўйилган экан. Шунга қарамасдан музей ходими менга йўл-йўриқ кўрсатди ва "Танишишни мана бу томондан бошланг», деди. Одатда, биз қатағон даври деганда, асосан, 30-йилларнинг иккинчи ярмини ва 50-йиллар бошини назарда тутамиз. Мен музей экспонатларига боқиб, "қатағон қурбонлари" деган тушунча аслида кенг ва теран мазмунга эга эканига амин бўлдим. Инсонийликка ёт зулм ва зўравонлик, тазйиқ ва қўрқитиш сиёсати чоризм даврида ҳам, шўро замонида ҳам халқимизга, миллатимизга қарши олиб борилган. Музей экспонатлари шундан далолат беради: чор армиясининг Ўрта Осиёга босқинчилик юришлари акс эттирилган хариталар, ўша давр рассомлари томонидан чизилган жанг манзаралари, турли ўқотар қуроллар, тарихий ҳужжатлар, миллий озодлик ҳаракати қатнашчиларининг суратлари, Тошкентнинг босиб олиниши, 1916 йилги Жиззах қўзғолонининг бостирилиши, шўро хокимияти ўрнатилиши, Туркистон мухториятининг тугатилиши, колхозлаштириш сиёсати оқибатида оилалар сургун қилингани, 30-50-йиллардаги қатағон, "пахта иши"... Уларнинг ҳар бири тарих, ўқиб-ўрганиш, ёзиш учун аҳолида мавзу.

Музей экспонатлари орасида "Халқ хотираси олдида бош эгамиз" номли рисолага кўзим тушди. Бу китобча менинг кутубхонамда ҳам бор. Унда Ҳусан Тожибоев шундай ёзади: "1953 йили Алвасти кўприк яқинидаги 5-ғишт заводида хайдовчи бўлиб ишлардим. Алвасти кўприк яқинидан тупроқ олаётганда Миролим ака деган киши: "1937-38 йилларда бу ерга одамлар олиб келиб отилган. Аввал уларнинг суякларини йиғиштириб олайлик", дегани ёдимда.

Биз тупроқ олишда давом этдик. Кейинги куни Миролим ака айтган жой очилди. Чуқурликда одамларнинг маййитлари уст-ма-уст қалашиб ётарди. Улар ўша — отилган пайтда қандай бўлса, шундай кўринишда эдилар. Бироқ усти очилиши билан бир ҳовуч суякка айланарди.

Мени хайратга солган нарса шу бўлдики, маҳбусларнинг кийим-кечаги аксарият ҳолда сақланган. Ҳатто чирий бошлаган қоғозлар ҳам чиққан. Лекин уларни ўқиб бўлмаган, тўкилиб кетган.

Шунга ҳам ярим асрча бўлди. Аммо ҳамон кўрганларим кўз олдимдан кетмайди.

Ўғил-қизларим, набираларим билан "Шаҳидлар хотираси" зиёратгоҳини айланар эканман, қатлгоҳлар ўрнида қатағон қурбонлари руҳини шод этувчи шундай мўътабар масканни яратган, савобли ишларга бошқош бўлаётган давлатимиз раҳбари ҳаққига дуо қиламан, шаҳид кетган аждодлар руҳи ҳар доим у кишини қўллаб-қувватласин, деймаn".

Музейдаги ҳар бир бўлим аудио-видеоаппаратлари билан жиҳозланган. Бу қулайлик зиёратчиларга давр руҳи акс эттирилган лавҳаларни кўриш имкониятини туғдиради. Бу ерга ташриф буюраётган отахону онахонларнинг ўғил-қизлари ва набираларини ҳам ўзлари билан бирга зиёратга олиб келиши яхши анъана тусига кирган.

Музейда мустақиллик йилларида амалга оширилган тарихий ишларга бағишланган алоҳида бўлим мавжуд. Унда ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда тарихий адолат ва миллий қадриятларнинг тикланиши далиллар асосида кўрсатилган. Жумладан, қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, маънавиятимиз, тарихий обидаларимиз, динимизни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга безавол етказиш йўлида олиб борилаётган ишларни кенг ёритишга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, бир қатор экспозицияларда юртимизда ёшларга яратилган чексиз имкониятлар, уларнинг турли соҳаларда эришган муваффақиятлари ҳам акс эттирилган.

Мухтасар айтганда, "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси бизни қатағон қурбонлари хотирасига ҳурмат ва эҳтиром ила муносабатда бўлишга ундаши баробарида, ҳар бир юртдошимиз, айниқса, ёшларимиз қалби ва онгида ватанпарварлик, ўз халқига муҳаббат, садоқат туйғуларини мустаҳкамлайди.

**Суюндик МАМИРОВ,**
«Adolat» мухбири

# Ҳамкорлигимиз самараларидан мамнунмиз

IPOTEKA BANK

➢ **Дил изҳори**

Истиқлол йилларида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар юксак самара бермоқда. Айниқса, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилаётган чора-тадбирлар, яратилаётган шарт-шароитлар туфайли қишлоқ мулкдорлари маҳсулот етиштириш билан чегараланиб қолмай, аҳоли бандлигини таъминлаш, бунёдкорлик, аҳоли пунктларини ободонлаштиришга ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишаяпти.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, айниқса, кўп тармоқли фермер хўжаликларини равнақ топтириш мақсадида уларга республикамиз молия муассасалари томонидан сифатли замонавий банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Бизнинг "Қўрғонтепа" фермер хўжалиги ҳам ўз фаолиятида республикамиз молия муассасаларидан бири — "Ипотека-банк" АТИБнинг имтиёзли кредитларидан унумли фойдаланиб келмоқда. Фермер хўжалигимиз 1998 йилдан бери фаолият юритади. 30 гектар ерда ғалла, яна 30 гектар ерда пахта хомашёсини етиштириш харажатларини қоплаш учун "Ипотека-банк" Жиззах вилояти филиали ажратаётган имтиёзли кредитлари фаолиятимизда жуда асқотмоқда. Фермер хўжалигининг фаолият турини кўпайтириш мақсадида ҳамда болалар дам олиш ҳиёбони, яхна ичимликлар дўкони ва сунъий қопламали футбол майдончаси ташкил қилиш учун "Ипотека-банк" Жиззах вилояти филиалига кредит ажратилишини сўраб мурожаат қилдим. Банк ишончини қозонган ҳамкор сифатида филиал томонидан менга шу йил апрель ойида 100 млн. сўм кредит маблағи ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобига "Соғлом бола йили" Давлат дастурига киритилган Жиззах тумани "Ҳамид Олимжон" СИУ Тоқчилик ҚФЙ ҳудудида замонавий болалар дам олиш хиёбони ва сунъий қопламали футбол майдончаси ташкил қилдик. Бунинг натижасида қишлоқ ёшларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун шароит яратилиши билан бир вақтда, фермер хўжалигининг даромадлари ҳам ошди. Энг муҳими, мазкур лойиҳа амалга оширилганидан сўнг жами 7 та янги иш ўрни яратилди, жумладан, касб-ҳунар коллежи битирувчиларидан 4 нафари ишга қабул қилинди.

Бундан ташқари фермер хўжалиги тасарруфидаги тўй ва тантаналар ўтказиш мажмуаси, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси, нонвойхона эл хизматида бўлиб, жами 63 нафар ишчи хизат қилмоқда.

Бу ҳали чегара эмас. Келгусида биз билан яқин ҳамкорлик қилаётган "Ипотека-банк" Жиззах вилояти филиали кредитларидан фойдаланган ҳолда зотдор чорва молларни кўпайтириш ва иссиқхона ташкил қилиш лойиҳасини амалга оширган ҳолда, фермер хўжалиги фаолиятини янада кенгайтириш орқали аҳолини сифатли ва арзон маҳсулот билан таъминлаш ва қишлоқ ёшларига қўшимча иш жойлари яратиш ниятидамиз.

Шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, "Ипотека-банк" Жиззах вилояти филиали тадбиркор ва фермер хўжаликларига барча қулайликлар, имкониятлар яратиб бермоқда. Банк ходимларининг хулқ-одоби, муомала маданияти ҳам жуда яхши. Фурсатдан фойдаланиб, мен барча юртдошларни юртимиз мустақиллигининг 23 йиллик тўйи билан муборакбод этаман.

**Абдунаби АБДУРАХМАНОВ,**
Жиззах вилоятидаги "Қўрғонтепа" фермер хўжалиги бошлиғи, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби.

# "Тадбиркор аёл — баркамол авлод бунёдкори"

➢ **Молия муассасаларида**

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида энг улуғ ва энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 23 йиллиги кенг нишонланмоқда. Жойларда мазкур санага бағишлаб, "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида турли тадбирлар ташкил этилмоқда.

MIKROKREDITBANK

Ана шундай тадбирлар кунимкеча Сурхондарё вилоятининг Олтинсой, Музробод ва Қизириқ туманларида ҳам ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки ҳамкорлигида "Тадбиркор аёл — баркамол авлод бунёдкори" номли янги лойиҳа доирасида ўтказилган мазкур тадбирда вилоят ва туман ҳокимликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, тижорат банклари мутасадди ходимлари, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Маълумки, "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки ўтган давр мобайнида кўплаб юртдошларимиз, айниқса, хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, консалтинг хизматлари кўрсатиш борасида самарали фаолият юритиб келмоқда.

Жумладан, "Микрокредитбанк" томонидан жорий йилда "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси юзасидан аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида аёл тадбиркорларга, шунингдек, ишчиларининг 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар ҳажмини ўтган йилга нисбатан 1,3 баробарга ошириш, яъни, 74 миллиард сўмга етказиш кўзда тутилган бўлиб, йилнинг ўтган олти ойи мобайнида қарийб 37 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Натижада 4840 нафардан зиёд хотин-қизлар учун доимий иш ўринлари яратилди.

Мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳам республикамизнинг чекка туманларида истиқомат қилувчи аёлларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, эҳтиёжманд оилаларга даромад манбаларини яратишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш, вилоятнинг Олтинсой, Музробод, Қизириқ каби туманларида бошланғич сармоя микрокредитларига эҳтиёжманд бўлган аёлларни аниқлаб, уларни тадбиркорлик асосларига ўқитиш, уларга гуруҳ кафиллиги асосида микрокредитлар ажратиш ишларини ташкил этишга қаратилган.

— Маҳалламизда қўлигул, чевар аёлларимиз жуда кўп, — дейди Қизириқ тумани Зартепа маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Дилфуза Бойматова. — Бироқ, тадбиркор сифатида иш бошлаш, замонавий тикув ускуналари харид қилишимиз учун маблағ масаласи бироз қийинчилик туғдираётган эди. Шу боис "Микрокредитбанк" томонидан ҳеч қандай таъминотсиз гуруҳ кафиллиги асосида микрокредитлар ажратилиши биз учун айни муддао бўлди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ҳукуматимиз томонидан хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, аёлларнинг ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, оиланинг ижтимоий-маиший шарт-шароитларини яхшилаш, иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш борасида пухта ўйланган ҳолда олиб борилаётган сиёсат натижада бугун жамиятимизда фаол ва тадбиркор аёллар сафи кенгайиб бораётганини эътироф этдилар.

Тадбир доирасида Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда қишлоқ аёлларининг имкониятларини кенгайтириш, эҳтиёжманд оилаларга даромад манбаларини яратиш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида ўзаро ёрдам гуруҳлари тузилиб, 150 нафар қишлоқ аёлларига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун имтиёзли сармоялар ажратилди.

Шунингдек, "Тадбиркор аёл — баркамол авлод бунёдкори" лойиҳаси доирасидаги худди шундай тадбир Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида ҳам ташкил этилди. Унда Касби, Яккабоғ ва Ғузор туманларидан таклиф этилган аёлларга ўзаро ёрдам гуруҳлари кафиллиги асосида бошланғич сармоялар ажратилиши бўйича 45 та гуруҳнинг сардорларига сертификатлар топширилди. Ушбу гуруҳларга жамланган аёллар сони 225 нафарни ташкил этди. Аҳамиятлиси, имтиёзли сертификатларга эга бўлган хотин-қизларнинг жами 58 фоизи коллеж битирувчилари ҳисобланади.

Мазкур лойиҳа доирасидаги тадбирларни республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказиш режалаштирилган. Хусусан, жорий йилнинг 10 сентябрига қадар Наманган вилоятида тайёрланган гуруҳларга сертификатлар топшириш, Хоразм вилоятининг Қўшкўпир ва Гурлан ҳамда Бухоро вилоятининг Бухоро туманида тадбиркорликка мойиллиги бор аёллар учун семинарлар ташкил этилиши режалаштирилмоқда.




**Алишер АЗИМОВ**

# «Адолат»чи журналистлар малака оширишди



**➢ Ўқув курси**

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов кампанияси бошланишига тобора оз вақт қолмоқда. Шу муносабат билан кенг кўламли тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Сайлов кампанияси даврида оммавий ахборот воситалари зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар тушади. Улар сирасига қонунчилик ҳужжатларини тарғиб этиш ва тушунтиришдан бошлаб сиёсий партиялар ҳамда депутатлар сайловолди дастурларининг ташвиқоти учун имкониятлар яратишгача киради.

Албатта, бўлажак кампанияга бошқа тизимлар қатори ОАВ ходимлари ҳам пухта тайёрланмоқдалар. Жумладан, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси билан биргаликда туркум малака ошириш ўқув курсларини ташкил этди. Уларга марказий газеталар, телевидение ва радио, ахборот агентликларнинг журналистлари жалб этилди. Ўтган ҳафтада ташкил этилган курсларда эса Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгашларининг матбуот котиблари ҳам иштирок этдилар.

Дастлабки машғулотни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори Абдужаббор Абдувоҳидов қисқача кириш сўзи билан очди.

"Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти — мамлакат Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар каритиш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш ва модернизация қилиш бўйича ислоҳотларни амалга оширишда Олий Мажлис, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, сиёсий партиялар ролини ошириш масалалари" мавзусида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси ўринбосари Баҳриддин Мирбобоев маъруза қилди. Курс тингловчилари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот котиби Низомиддин Нурматов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари Шуҳрат Ёқубов, Ўзбекистон Миллий университети Олий журналистика курслари раҳбари Беруний Олимов ва бошқа мутахассисларнинг маърузалари билан ҳам танишдилар. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ва Ўзбекистон экологик ҳаракати марказий идораларида ўтказилган учрашувлар ҳам журналистларда катта таассурот қолдирди.

— Мазкур ўқув курсларида биз ўзимиз учун жуда кўп зарур маълумотларни олдик, — дейди "Адолат" СДП Самарқанд вилояти кенгаши матбуот котиби Зубайдулла Ибрагимов. — Матбуот хизмати ва партия газетасининг асосий эътибори жамият тараққиётига хизмат қиладиган эзгу ғояларни кенг тарғиб этиш, ислоҳотларнинг туб моҳиятини оммага етказиш, маҳаллий ҳокимият идоралари, жойлардаги депутатлик гуруҳлари, бошланғич партия ташкилотлари, партия электоратининг кундалик ҳаёт билан алоқасини янада мустаҳкамлашга қаратилиши лозим. Энг муҳими — тадбир иштирокчилари билан фикримиз бир жойдан чиқди. Партия ҳаётини ёритишда энг қуйи ташкилотларгача эътиборни қаратиш кераклиги қайта-қайта таъкидланди. Демак, ҳар биримиз ўз фаолиятимизга юксак масъулият билан ёндашишимиз, давр руҳини чуқурроқ ҳис қилишимиз лозим.

Бир ҳафталик ўқувлар шуниси билан эътиборлики, унда тарғибот-ташвиқот ишларини бугунги кун талаблари даражасида ташкил қилиш юзасидан аниқ тавсиялар берилди, муҳим таклифлар ўртага ташланди.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ**

**➢ Янги ўқув йили**

Янги ўқув-йилида республикамизда жами 9739 та мактабга 587 минг нафар ўқувчи 1-синфга қабул қилинади. Уларга 12 номдаги ўқув қуролларидан иборат "Президент совғалари" тантанали равишда топширилади.

# Ҳаммаси болалар учун!

Таъкидлаш жоиз, болажонларнинг илк билим маскани — мактаб ҳақидаги дастлабки таассуротлари ижобий бўлиши учун қанчадан-қанча мутахассислар тинимсиз меҳнат қилади, тайёргарлик кўради. Хусусан, 2014 йилда инвестиция дастури доирасида республика бўйича 381 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши учун қарийб 282,0 млрд. сўм сарфлангани, умумтаълим мактабларининг 1-4-синф чет тили кабинетлари 16,7 млрд. сўмлик тўплам билан жиҳозлангани фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақшдир, дейишади. Шу боис юртимизда чет тилини болаларга мактабгача таълим муассасаларидан, мактабнинг бошланғич синфларидан бошлаб ўргатишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, 1-синфда болаларга чет тили ўйинлар, эшитиш ва гапириш орқали ўргатилса, бу йилги ўқув йилидан бошлаб 2-синф ўқувчилари эшитиш, гапиришдан ташқари ёзиш ва ўқишни ҳам ўрганишлари мумкин бўлади. Бу каби янги услубда дарс ўтиш учун 18 минг нафар чет тили ўқитувчилари махсус малака ошириш курсларида ўқитилди. Бундан ташқари, мазкур мутахассислар Давлат тест маркази томонидан доимий равишда синовлардан ўтказилиб, қишлоқ жойларида ишлаётганларининг маошига 30 фоизгача устама қўшимча ҳақ тўланмоқда.

— Жорий ўқув йилидаги янгиликлардан яна бири бошланғич синф ўқитувчилари учун илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида 7 номдаги методик қўлланма ҳамда унинг мультимедиали иловалари тайёрланганидир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Улуғбек Иноятов Миллий матбуот марказида "Янги ўқув йилида таълим-тарбия сифатини оширишдаги устувор вазифалар" мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида. — Шунингдек, бу йил илк маротаба "Соғлом бола йили" Давлат дастурига мувофиқ мактабгача таълимга қамраб олинмаган болаларнинг ота-оналари учун "Болажон" таянч дастури асосида "Нутқ ўстириш, ўқиш ва саводга тайёрлаш", "Математик тасаввурларни шакллантириш", "Бадиий асарлар тўплами", "Соғлом танда — соғлом ақл" сингари 5 номдаги қўлланмалар яратилиб, мазкур адабиётлар мактаб кутубхоналари орқали ота-оналарга тарқатилади.

Дарҳақиқат, бошланғич синф ўқувчиларининг ўзлаштириш даражаси юқори поғонада бўлишида мактабгача таълим муассасаларида яратилган муҳит, улардаги моддий-техник базадан ташқари оиладаги шарт-шароит ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги қарорига мувофиқ, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" ҳамкорлиги Жамоат Кенгашининг фаолияти йўлга қўйилгани, худди шундай Жамоат Кенгашлари барча ҳудудларда ва барча умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилганининг замирида ҳам ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол воятга етиши мақсади мужассам.

Албатта, юртимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлардан оқилона фойдаланиш, бор куч-ғайратимизни ёшларга тўғри ва сифатли таълим-тарбия беришга сафарбар қилиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз бўлиб қолаверади.

# Сифат — маҳсулот кўзгуси

**➢ Фаолият**

Ички истеъмол бозоримизни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш аввало ишлаб чиқарувчи, қолаверса, уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Бугунги зийрак, талабчан харидор ҳам оладиган ҳар қандай маҳсулотига ўз талабини қўяётгани кўп жиҳатдан ишлаб чиқарувчини сифатли, рақобатбардош маҳсулот тайёрлашга ундамоқда. Бозорнинг бу каби "қаттиқ" талабига риоя этмайдиган, соғлом рақобат муҳитининг вужудга келишига панжа орасидан қарайдиган тадбиркорнинг эса бозори касодга учраши табиий ҳол бўлиб бормоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган минглаб турдаги маҳсулотлар сифатини барқарор таъминлашда эса "Ўзстандарт" агентлиги ва унинг ҳудудий ташкилотларининг ўзига хос ўрни бор, десак муболаға бўлмайди.



**Даврон АТАБЕКОВ**
Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси директори

Республикамиз ҳудудига олиб кирилаётган ёки маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат, косметика ва парфюмерия, енгил-саноат, қурилиш, электротехника, машинасозлик, кимё маҳсулотларига Тошкент синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси томонидан жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 5523 дан ортиқ мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилди. Аммо сертификатга эга бўлган маҳсулотлар сифатини таъминлаб туриш, сертификатлаштирилган маҳсулотларнинг белгиланган меъёрий ҳужжат талабларига мувофиқлигини доимий назорат қилиш мақсадида Марказнинг "Сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекция назорати" бўлими томонидан бир йилда бир маротаба инспекция назорати ҳам ўтказилиб турилади. Масалан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Тошкент шаҳрида жойлашган 454 та корхонада инспекция назорати ўтказилиб, 403 та корхонанинг мувофиқлик сертификати амал қилиш муддати тасдиқлаб берилди.

Маҳсулотларни сертификатлаштириш жараёнида истеъмолчи манфаатини устун қўйган ҳолда уларнинг сифатига тўғри баҳо бериш, бозорларимизда сифатли маҳсулот сотилишини таъминлаш йўлида Марказнинг "Автотранспорт, ғилдиракли, занжирли махсус техника воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ҳамда машинасозлик маҳсулотлари синов лабораторияси", "Кимёбиология синов лабораторияси", "Спорт анжомлари, инвентарлари ва асбоб-ускуналарининг ихтисослаштирилган физика-механикавий синов лаборатория"лари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида мазкур лабораторияларда хизмат кўрсатаётган мутахассисларимиз томонидан 3723 та синов баённомалари расмийлаштирилиб, шунинг 3682 ҳолатида маҳсулот сифати белгиланган меъёрий ҳужжат талабларига мувофиқлиги тасдиқланган бўлса, 41 ҳолатда маҳсулот меъёрий ҳужжат талабларига номувофиқлиги аниқланди.

Президентимизнинг 2012 йил 26 мартдаги "Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Марказнинг сифат тизимларини жорий қилиш бўлими томонидан жорий йил давомида 10 та корхона билан тузилган шартномага кўра сифат тизимини жорий қилиш бўйича белгиланган тартибда иш олиб борилмоқда. Жумладан, бир қатор корхоналарда халқаро ИСО:9001 ва ИСО:22000 стандартлари асосида интеграллашган менежмент тизими жорий қилинган бўлса, «Niso tekstil Servis» МЧЖда сифат менежменти тизимларини жорий этиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар ва шароитлар бўйича ишлар олиб борилди.

Тадбиркорларга халқаро стандартлар асосида сифат тизимларини жорий қилишнинг мақсад ва моҳиятларини тушунтириш мақсадида Тошкент шаҳрининг Олмазор тумани ҳокимлигида, Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси, Давлат солиқ инспекцияси, Тошкент шаҳар ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо бошқармаси, Савдо-саноат палатаси вакиллари ҳамда бевосита тадбиркорларни жалб қилган ҳолда "Корхоналарда сифатни бошқариш тизимини жорий қилишнинг афзалликлари ва маҳсулот экспортида унинг аҳамияти" мавзусида семинар ўтказилиб, аввало сифатни бошқариш тизимининг ўзи нима, уни жорий этган корхоналарга давлатимизда қандай имтиёзлар берилган, айнан шу корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ташқи бозорда қандай мавқега эга бўлиши тўғрисида тадбиркорларга атрофлича тушунча берилди. Шу билан бирга СБТини ўз корхоналарида жорий этган тадбиркорларга Марказ мутахассислари томонидан амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Сифат тизимларини босқичма-босқич жорий этиш дастурига Тошкент шаҳри миқёсида киритилган 152 та корхонанинг барчасида тизимни жорий этиш ишлари режага кўра амалга оширилмоқда. Табиийки, бунинг учун аввало мутахассисларнинг ўзлари етарли билим ва кўникмага эга бўлиши зарур. Шу боис жорий йилнинг ўтган ярим йилида 13 нафар мутахассисимиз "Ўзстандарт" агентлигининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институтида ўз йўналишлари бўйича ўқув курсларида қатнашиб, тест синовларидан муваффақиятли ўтишди. Шунингдек, Марказимизда архив ишларини тартибга солиш мақсадида 1 нафар мутахассис марказий Давлат архивида ташкил этилган "Идоравий архивлар фаолиятини ташкил этиш асослари" ўқув курсида иштирок этди. 7 нафар мутахассисимиз эса "Ўзстандарт" агентлиги томонидан ўтказиладиган тестларда муваффақиятли қатнашиб, турли йўналишлар бўйича эксперт-аудитор номзодига эга бўлди.

Марказ ходимларининг ҳуқуқий билим савиясини ошириш мақсадида ҳафтанинг ҳар пайшанба куни турли мавзуда техник ўқиш ўтказиш тизими, мутахассисларнинг хорижий тилларни ҳам етарли даражада эгаллашлари учун инглиз тили бўйича ўқув курси йўлга қўйилди.

Марказга келиб тушаётган мурожаатларнинг электрон айланмасини яратиш мақсадида "Ҳужжатларнинг электрон айланмаси" электрон дастури ишлаб чиқилиб амалиётга жорий қилинди. Ушбу электрон дастур орқали Марказга келиб тушаётган мурожаат-аризаларнинг электрон рўйхати яратилиб, уларнинг ижро муддатини назорат қилиш имконияти яратилди. Бунинг афзаллик томони шундаки, аввало мурожаатчининг вақти тежаладиган, ўзига керакли бўлган жавобни олдингилардан бирмунча қисқа фурсатларда олиш имконияти яратилди. Мутахассисларимиз учун мурожаатларда кўтарилган масалаларнинг ижро муддатини эслатиб туриш ва аввалги мурожаатлар ижроси, улар тўғрисидаги маълумотлар ҳисоботи, яъни маълумотлар базаси яратилди. Марказимизда амалга оширилаётган бу каби ишлардан ягона мақсад — аввало истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш, қолаверса, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ёки хориждан импорт қилинаётган турли хилдаги товарлар сифатини таъминлашга ҳисса қўшишдир.

# Байрамга муносиб туҳфа

**➢ Эътибор**

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида республикамизнинг бошқа ҳудудларидагидек Самарқанд вилоятида ҳам бир қатор янги объектлар фойдаланишга топширилмоқда, мавжудлари реконструкция қилиниб, зарур моддий-техник база билан таъминланмоқда.

Хусусан, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда ҳомий ташкилотлардан бири — "УЗБАТ А.О." акциядорлик жамияти қўшма корхонаси ташаббуси билан Пастдарғом туманидаги "Чортут" қишлоқ врачлик пунктида ўрнатилган қуёш панеллари "Чортут", "Туркман" маҳалла фуқаролар йиғини фуқаролари учун муносиб совға бўлди.

— Қишлоқ врачлик пунктимиз 6247 нафар фуқарога тиббий хизмат кўрсатади, — дейди ҚВП бўлим мудири Шоҳсанам Рустамова. — Бунинг учун муассасамизда барча шарт-шароит яратилган, зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган. Бироқ айрим пайтларда электр энергиясидаги узилишлар мазкур ускуналардан самарали фойдаланишимизга халал берарди. Мана, ҳомийларимиз ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси кўмагида ҚВПмизга кунига 3кВт электр энергия узатиш имкониятига эга қуёш панели ўрнатилишига муваффақ бўлинди. Эндиликда ҳеч қандай муаммосиз халқимизни тиббий текширувдан ўтказиб, замонавий ускуналар ёрдамида даволаш ишларини олиб боряпмиз.

Эътиборли жиҳати, бу каби қуёш панеллари вилоятнинг яна бир қатор бошқа ҚВПларида ҳам ўрнатилди.

— Қўшма корхонамиз вилоятнинг чекка-чекка қишлоқларидаги аҳолининг маданий-маиший турмушини янада енгиллаштириш мақсадида бир қатор ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириб келаяпти, — дейди компания масъул ходими Севара Зоҳидова. — Хусусан, Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги байрами олдидан "Чортут", "Кўлқишлоқ" ҚВПларига қуёш панеллари, яна бошқа туман ва қишлоқларда аҳолини ичимлик суви билан таъминлашга кўмаклашувчи қурилмалар ўрнатилди. Бундан ташқари, Ургут туманида яқиндагина қуриб, фойдаланишга топширилган майдони 10 гектар ерни ташкил қилувчи "Истироҳат боғи"нинг бир қисмида 2500 ўринли амфитеатр қуриб битказилди.

— Туманимиздаги эски бозор ўрнида кўркам, шинам ва сердарахт "Истироҳат боғи"нинг барпо этилиши, унинг ичида истеъдодли ва иқтидорли санъат намояндалари иштирокида концерт-томошалар, турли хил беллашув ва танловларни ўтказишга мўлжалланган амфитеатрнинг ишга туширилиши, турли хил кўриниш ва шаклли дастурга эга мусиқали фавворанинг ўрнатилиши, болажонлар учун бир неча хилдаги аттракционларнинг қурилиши бизларнинг маданий ҳордиқ чиқаришимиз учун айни кутилган масканга айланди, — дейди ургутлик Ҳалима Шодиева. — Энг азиз, энг улуғ байрамимиз арафасида қуриб битказилган боғдан ҳали неча-неча авлод фойдаланишини кўз олдингизга келтирсангиз, киши дили қувнайди.

Истироҳат боғининг очилиш маросимида таниқли хонанда ва созандаларнинг чиқишлари аҳолининг байрамона кайфиятини янада кўтариб юборди.

**С.СОДИҚОВА,**
"Adolat" мухбири

ADOLAT
№ 34-35 (995) 2014-yil 29-avgust, juma

# Асакалик фермер

**Қишлоқ мулкдорлари**

Бугунги кунда Асакани кўпчилик нафақат автомобилсозлик саноати ривожланган, балки қишлоқ хўжалиги ҳам барқарор тараққий этаётган туманлардан бири сифтида яхши билади. Буюк ипак йўлида жойлашган истиқболи порлоқ бу гўшада олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари эвазига аҳоли турмуш даражаси ҳавас қиларли даражада яхшиланиб бормоқда. Барпо этилаётган бир-биридан кўркам янги намунали турар-жойлар ўз меҳнатларининг роҳат-фароғатини кўраётган асакаликларнинг яхши яшашга ҳам одатланганликларини кўрсатиб турибди.



Самарали фаолиятлари эвазига гўзал ҳаёт кечириб, топган-тутганларини бахтли-саодатли кунларига, фарзандлари, невара-чевараларининг тўйларига, орзу-ҳавасларига сарфлаб, истиқлолдек улуғ неъматга шукроналар айлаётган замондошларимиз орасида "Қамчибек ери" фермер хўжалиги раҳбари Маҳаммадсойиб Жўраев ҳам бор.

Суяги меҳнатда қотган, деҳқончилик сир-асрорини яхши эгаллаган, ер билан тиллашиб, уни эъзозлаб, моддий неъматлар яратаётган, эл ризқини бутун, дастурхонини тўкин қилаётган бу қишлоқ мулкдори юртимизда жадал ривожланаётган фермерлик ҳаракатининг фаол иштирокчисига айланган. Истиқлол шарофати билан ер ўзининг ҳақиқий эгаларига берилди. Уста деҳқон Маҳаммадсойиб Жўраев имкониятларини обдон сарҳисоб қилиб, бу ишга дадил қўл урди: 2006 йили Асака туманининг Ўзбекистон массивидаги Қовоқтўпи маҳалласида жойлашган экин майдонларидан 46 гектар ер олиб, фермерлик фаолиятини бошлади. Пилла, пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштириб, элга танилди. Ҳозир тажрибали фермер бошқараётган хўжалик 104 гектар майдонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирмоқда. Биргина шу йилнинг ўзида жамоа 68 қути ипак қуртининг ҳар бир қутисидан 58 килограмдан "кумуш тола", 69 гектар буғдойзорнинг ҳар гектаридан 65 центнердан ошириб уруғлик ғалла олишга эришди. Ўн бир гектар майдонда ташкил этилган интенсив боғдан 20 тоннага яқин олма, ўрик, шафтори, олхўри, гилос ва бошқа сархил мевалар териб олиниб, эл дастурхонига тортиқ этилди. Полиз экинларидан ҳам шундай юқори ҳосил етиштирган фермер 20 тонна пиёз, 30 тонна картошка, кўплаб қовун, тарвуз, помидор, сабзи, шолғом, ловия, мош маҳсулотларини бозорлар орқали арзон баҳода истеъмолчиларга етказиб берди. "Қамчибек ери" фермер хўжалигининг даласида етиштирилган маҳсулотларнинг умумий ҳажми 500 миллион сўмдан ортиб кетди.

Маҳаммадсойиб аканинг яхши бир одати бор. Ҳар куни тонг саҳарда фермер хўжалиги ерларини эринмай айланиб чиқади. Қилинадиган ишларни чамалайди. Жамоанинг ютуқларини бойитаётган 60 нафар ишловчининг ҳар бирига топшириқ бериб, уларни бугунги кун юмушларига йўналтиради. Четдан қараганда ҳамма нарса рисоладагидек кўрингани билан даладаги ишлар ҳеч қачон тугамайди. Бир ишнинг орқасидан иккинчиси етилиб тураверади. Масалалар ҳам етарлича. Ерга ишлов бериш, ҳосилни йиғиштириб олиш, хотиржамликка берилмай эртанги куннинг ташвишини қилиш яхши самара беради. Иш юритувчи Абдусосит Ёқуббеков, тракторчи Набижон Боймирзаев, Абдулла Собиров, сувчи Райимжон Юнусов, Дилшодбек Юсупов, Абдумутал Тожиддинов ва бошқалар фермернинг таянчи ва суянчига айланган. Ўғли Жасурбек Андижон қишлоқ хўжалиги институтини тугаллаб отаси ёнида агроном бўлиб ишлаяпти. Турмуш ўртоғи Муқаддам опа, ўғли Жаҳонгир, қизи Дилноза ҳам фермерга яқиндан ёрдам бермоқда. Ишчи-хизматчиларнинг самарали фаолияти эвазига барча турдаги замонавий техника воситаларига эга бўлган фермер хўжалиги йил сайин юксалиб, ривожланиб боряпти. Кўрилган фойданинг бир қисми соҳани ривожлантиришга, бир қисми ишловчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва моддий ёрдам кўрсатишга, қолгани ҳудуддаги кам таъминланган оилаларга кўмак беришга сафрланмоқда. Жумладан, шундай шароитдаги оилаларга икки бош қорамол ва иккита қўй берилди, мактаб ва болалар боғчасини таъмирлашга ҳомийлик қилинди. Байрамларда қариялар йўқланиб, уларнинг кўнгли олинди.

— Мустақиллигимиз абадий бўлсин, — дейди илғор фермер Маҳаммадсойиб Жўраев. — Унинг шарофати билан қишлоқ мулкдорига айландик. Дунё кўрдик, муборак ҳаж сафарида бўлдик. Чет элнинг замонавий техника ва мини-цехларини ишга туширдик. Қишлоқда янги иш ўринлари барпо этдик. Қўлимизни қаерга узатсак, етади. Бундай замон, давру давронга шукрона айламай бўладими?

Айни пайтда Асаканинг таниқли фермери Маҳаммадсойиб Жўраев 200 тонна маҳсулотни сақлаш қувватига эга бўлган музлатгич, мева ва сабзавотларни қайта ишловчи цехни қуриш ҳаракатида юрибди. Ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилмоқчи. Бу орзу-мақсадларга фермер албатта эришади. Истиқлол унга шундай имкониятни беради.

**Рустамжон АҲМАДАЛИЕВ,**
«Adolat» мухбири

# Ҳайдовчининг одоб қоидалари



Давоми. Боши ўтган сонда.

### 4. ИШ ҚУРОЛИНГ СОЗ БЎЛСА...

Халқимизда "Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур" деган мақол бор. Бу мақол кўпроқ ҳунармандларга тегишли, аммо ҳайдовчиларга ҳам бевосита тааллуқли десак, хато бўлмайди.

Ишига пухта ҳайдовчи эрталаб машинасини эринмай кўздан кечиради, ёқилғи, мой, сув, баллонларнинг дамига эътибор беради, мурватларни бураб кўради, захира баллонсиз ёки зарур асбоб-ускуналарсиз йўлга чиқмайди. Узоқ йиллик тажрибасидан, машинанинг техник ҳолатидан келиб чиқиб, баъзи эҳтиёт қисмларни машина юкхонасида олиб юради. Йўлда, айниқса, тунда тоғ ёки чўл шароитида бирор носозлик келиб чиқса, асабингиз бузилгани қолади, холос.

Баъзан йўлларда идиш ушлаб турган ёки машинанинг бир томонини домкрат билан кўтариб қўйган ҳайдовчиларга кўзимиз тушади. Булар — йўлга чиқиш олдидан машина бокида қанча ёқилғи қолганини ҳисоб қилмаган, захира баллонни уйида унутган ҳайдовчилар. Тасаввур қилинг: машинада ҳайдовчининг бир ўзи бўлса-ку, майли, бир илож қилади, аммо ўзи билан бирга болали аёллар, кексалар, беморлар ҳам бўлсачи?

Йўл тасодифларга тўла. Сиз маданиятли, одобли ҳайдовчисиз, қоидага ҳамиша амал қиласиз. Аммо қаршингиздан ўқдек учиб келаётган ёки сизни қувиб ўтишга шайланаётган машина рулида ким ўтирибди — буни билмайсиз. Балким рулда ўтирган ёш йигит ёки қиз отасидан ижозат сўрамай ўзича сайр қилиб юрган енгилтакдир?!

Бу ҳолатни ҳам ҳамиша ҳисобга олишга тўғри келади.

### 5. ОРТИҚЧА БЕЗАК — ОРТИҚЧА ТАШВИШ

Ҳар бир ишда меъёр бўлиши керак. Баъзи ҳайдовчилар ўзларига тегишли автоуловларини ҳаддан ташқари безаб юборишади. Кейинги пайтларда машина кабинасининг олдига турли буюмларни осиш, сочиқ ёйиб қўйиш, орқа ойна тагини анча-мунча нарсалар (масалан, резина кучукчалар) билан безаш, ойналарни қорайтириш, парда тутиш урф бўлиб бормоқда. Бундай қилиш хавфсизлик қоидаларига мутлақо тўғри келмайди. Ортиқча безак ҳайдовчининг ўзини, кўп ҳолларда эса, бошқа ҳайдовчиларнинг хаёлини чалғитади.

Яна бир ортиқча безак — машина кузовининг икки ёнига бўёқли расм, манзара ёки бошқа бир шакл солиш, турли қўшимчалар ўрнатишдан иборат. Бу ҳам, одоб билан айтганда, дидсизлик белгиси.

Машина заводдан қандай чиққан бўлса, шундай кўринишда жозибалидир. Унинг дизайни устида мутахассислар узоқ вақт бош қотиришганини унутмаслик керак.

### 6. МАШИНАСИНИ КЎРИБ...

"Онасини кўриб қизини ол..." Бу мақолни бироз ўзгартириб, "Машинасини кўриб, ҳайдовчисига баҳо бер" дейиш ҳам мумкин.

Баъзан катта кўчаларда кузови, баллонлари чанг босган, анчадан бери ювилмаган машиналарни ҳам учратиб қоламиз. Енгил машина бўлишига қарамай, машина салони шу қадар бетартибки, кўнгил хижил тортиб кетади. Оёқ остида турли ичимликлардан бўшаган шишалар дейсизми, болаларнинг оёқ кийимларими, хуллас, нима десангиз топилади. Бозор-учар билан шуғулланувчи ҳайдовчилар машиналарини турли лаш-лушлар сақланадиган омборхонага, баъзилари емакхонага айлантириб юборишган. Юкхонада одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Салон ичида қўланса ҳид анқийди.

Профессионал ҳайдовчи умрининг маълум қисми машина рулида ўтади. Бу жой худди уй, ишхона ёки дам олиш жойидек саранжом-саришта бўлса, одамнинг баҳри-дили очилади.

Давоми бор.

**Оға АҲМАД**

# «Zamona Rano» — табиатнинг саломатлик туҳфаси!

**Экспорт — иқтисодиёт таянчи**

Инсоният ҳаёти ўсимликлар олами билан узвий боғлиқ. Ўсимликлар тирик мавжудотни тўйдиради, ҳавони тозалайди, тупроқни эрозиядан сақлайди. Бундан ташқари, биз, инсонлар улардан хўжалик ва қурилиш маҳсулотлари ҳамда шифо бағишловчи дориларни тайёрлашда фойдаланамиз.

Ўзбекистон шифобахш ўсимликлар маскани дир. Серқуёш дала ва боғларимизда етиштирилаётган ширин-шарбат мевалар, дармон-дорилар манбаи бўлган сабзавотлар, полиз маҳсулотлари ўзларининг мазали ва шифобахшлиги билан бошқа жойларда етиштирилган маҳсулотлардан ажралиб туради.

2006 йилда корхонамиз — «Zamona Rano» МЧЖга асос солинар экан, унга қайси ўсимлик қандай касалликка қарши ёрдам бериши, унинг фиточойдаги ўлчами қанча бўлишини фарқлай оладиган фармацевт-мутахассисларни ишга жалб қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ташкил топганидан буён фармацевтик фаолияти лицензиясига эга корхонамизда доривор ўсимликлар етиштирилади, биологик актив қўшимчалар, ўсимлик хомашёси асосида косметик воситалари тайёрланади ва ишлаб чиқарилади.

Шифобахш дори маҳсулотлари ёки косметик воситаларининг тайёрланишида ишлаб чиқариш корхонасининг санитар-гигиеник қоидаларга амал қилиши муҳим аҳамият касб этади. Шу боис компаниянинг ишлаб чиқариш комплексини барпо этишда ҳам экологик тоза ҳудудни танлаб олишга алоҳида эътибор қаратдик.



Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган ишлаб чиқариш комплексимиз 19 гектар ер ва 101 гектар экиш майдонидан ташкил топган.

Ишлаб чиқариш жараёнида нафақат доривор ўсимликларнинг барча биологик актив моддаларини сақлаб қоладиган замонавий ускуналар ишлатилади, балки энг нозик гиёҳлар учун қўл меҳнатидан ҳам фойдаланилади.

2009 йилда «Замона Рано» Швейцариянинг IMO сертификатлаштириш компанияси томонидан органика сертификатига эга бўлдик. Компанияда 2011 йилда **ISO 9001:2008 сифатни** назорат қилиш тизими жорий этилди. Компаниянинг маҳсулотлари Россия, Украина, Қирғизистон, Арманистон ва Монголия каби давлатларга экспорт қилинади.

Компания қуйидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради: доривор ўсимликларнинг кенг ассортименти ва тўпламлар «Саломатлик коллекцияси» (Коллекция здоровья) фиточойлари; «Табиат сирлари» (Секреты природы) фиточойлари; фитованналар; гиёҳлар қўшилган қора ва кўк чойлар. Бундан ташқари, яқинда доривор ўсимликлар билан бойитилган фойдали буғдой кепаги тизими ҳам ишлаб чиқарилди. Компаниянинг барча маҳсулотлари инсоннинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун ёрдам беради.

«Zamona Rano» компанияси замон талабига мувофиқ ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаради, такомиллаштиради. Чунончи, 2014 йили «Соғлом бола йили» муносабати билан компаниямиз «Оналар ва болалар учун» махсус фиточойларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Шунингдек, Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида компаниямиз томонидан ёши улуғ, нуроний отахон-онахонларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга «Zamona Rano» фиточойларидан совға қилинди.




**Илҳом АҲУНЖОНОВ**

Reklama

## Сўранг, жавоб берамиз!

*Қўшни республикада туғилганман. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномам йўқолган. Энди гувоҳномамни қандай, қаердан олишим мумкин?*

*Нодира Авазова, Тошкент вилояти.*

Сиз шахсингизни тасдиқловчи ҳужжатингиз билан яшаш жойингиздаги ФҲДЁ бўлимига ариза билан мурожаат қиласиз. У ерда анкета тўлдирасиз. ФҲДЁ бўлими уни тасдиқлаб, туғилишингиз қайд этилган ФҲДЁ бўлимига юбориб, сўров орқали гувоҳномангизни олиб бериши халқаро меъёрий ҳужжатларда белгиланган.

*Турмуш ўртоғим беш йил аввал Россияга ишлаш учун кетган эди. Яқинда у ўша ерда уйланганлигини билдириб, никоҳимиз бекор қилинганлиги ҳақидаги суд қарорини почта орқали юборибди. Менинг паспортимда никоҳ ҳақидаги штамп ҳали мавжуд, никоҳни бекор қилиш ҳақидаги штампни қўйдириш учун мен Россияга боролмайман-ку. Нима қилишим керак?*

*Озода Жиянбоева, Тошкент вилояти.*

Россия Федерацияси томонидан никоҳ бекор қилинган ва қонуний кучга киргани ҳақида муҳр мавжуд бўлган суд қарорининг асл нусхаси ва паспортингиз билан Сиз рўйхатда турган жойингиздаги ФҲДЁ бўлимига ариза билан мурожаат қиласиз ва тегишли давлат божларини тўлайсиз. ФҲДЁ бўлими Сизга никоҳни бекор қилиш ҳақидаги гувоҳнома беради ва паспортингизга никоҳ бекор қилингани ҳақидаги штампни босади.

Саволларга Янгийўл тумани ФҲДЁ бўлими инспектори **Гавҳар УРАЗБАЕВА** жавоб берди.

*Мен яқинда чет эл сафарида бўлиб қайтдим. У ердаги йирик корхоналардан бири билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш тўғрисида битим туздик. Айтинг-чи, мамлакатимизда чет давлатда тузилган битим амал қиладими?*

*Дилмурод Фармонов, Тошкент вилояти "Дилмурод барака" ф/х раҳбари.*

Битимнинг шакли у тузиладиган жой ҳуқуқига бўйсунади. Бироқ чет элда тузилган битим, агар Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи талабларига риоя этилган бўлса, шаклга риоя этилмаганлиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

Лоақал иштирокчиларидан биттаси Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган ташқи иқтисодий битим, қаерда тузилаётганидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилади.

Кўчмас мулк хусусидаги битимнинг шакли бу мулк жойлашган мамлакат ҳуқуқига бўйсунади, Ўзбекистон Республикасида давлат реестрида қайд этилган кўчмас мулкка нисбатан эса, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига бўйсунади.

Саволга Чирчиқ шаҳар ДНИ нотариуси **Мукаррам ЗУФАРОВА** жавоб берди.

*Ишга кирмоқчи бўлган ва иш тополмаётган III гуруҳ ногиронларига амалдаги қонунчилигимизда имтиёзлар борми, бор бўлса нималардан иборат? Янги ташкил этилаётган ва амалда фаолият юритаётган корхоналар умумий ишчилар сонининг маълум қисми ногиронлардан иборат бўлиши ҳақида эшитдим, шу гап ростми? Мен ўзимга маъқул бўлган бир корхонага оддий ишчи лавозимини сўраб мурожаат этдим. Бироқ корхона 4 йилдан бери менга "бўш иш ўрнимиз йўқ" деган жавобни беради. Корхонанинг жавоби қонунан тўғрими?*

*Бахтиёр Ибoтов, III гуруҳ ногирони.*

Меҳнат кодексининг 68-моддасига асосан давлат ногиронларга қўшимча кафолатларни таъминлайди.

Шунингдек, қўшимча кафолатлар қўшимча иш жойлари, ихтисослаштирилган корхоналар, шу жумладан, ногиронлар меҳнат қиладиган корхоналар барпо этиш, махсус ўқув дастурларини ташкил этиш, корхоналарга ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган тоифадаги фуқароларни ишга жойлаштириш учун минимал иш жойларини белгилаш йўли билан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чора-тадбирлар орқали таъминланади.

Иш берувчи иш жойларининг белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга жойлаштириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий меҳнат органлари ва бошқа органлар томонидан юбориладиган шахсларни ишга қабул қилиши шарт. Мазкур шахсларни ишга қабул қилишни асоссиз рад этган иш берувчи ва унинг ваколатли шахслари белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

"Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига мувофиқ, ходимларининг сони йигирма кишидан ортиқ бўлган корхоналарда, муассасалар ва ташкилотларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ногиронларни ишга жойлаштириш учун ходимлар сонининг камида уч фоизи миқдорида иш жойларининг энг кам сонини белгилайди ва захирада сақлаши лозимлиги белгиланган.

Мазкур моддага мувофиқ, ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини яратишга доир маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини бажармаганлик учун ташкилотларнинг мансабдор шахслари маъмурий жавобгарликка тортилиши; маъмурий жазо чораси қўлланилгани ташкилотларни ногиронларнинг иш билан таъминлашга доир талабларини бажариш мажбуриятидан озод этмаслиги белгиланган.

Адлия вазирлиги Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси бош маслаҳатчиси **Жасур СИРОЖЕВ** жавоб берди.

**«TURKISTON IXTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига «Технолог-техпласт» ШКнинг Тошкент шаҳар, Қорасарой кўчаси 284-уй манзилидаги давлат рақами 01 798 ОСА бўлган 1979 йилда и.ч., 5 365 000 сўм бошланғич нархдаги МАЗ-5334 русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри Миробод тумани Бухоро кўчаси 10-уйда 2014 йил 30 сентябрь куни соат 11:00 да, ушбу савдода сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2014 йилнинг охиригача ҳар сешанба кунлари соат 11:00 да бўлади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Аукцион савдоларига қўйилган автотранспорт воситаси билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманома (ариза)ларни Тошкент шаҳри Миробод тумани Бухоро кўчаси 10-уй манзилида расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ТИАСнинг «Ипотека банк» АТИБ Шайхонтаҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р 20208000604941652001, МФО 00425, СТИР 302128906.

**Манзил: Тошкент шаҳри Миробод тумани Бухоро кўчаси 10-уй. Тел: 144-66-55.**

*Гувоҳнома 2011 йил 1 ноябрда берилган №005424.*

TRASTBANK
ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

# «TRASTBANK»

## хусусий акциядорлик биржа банки

**Серқуёш юртимиз аҳлини қутлуғ сана — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллиги билан табриклайди.**

Осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин! Хонадонингиздан қут-барака, тинчлик-тотувлик аримасин, азизлар!



Хизматлар лицензияланган.



# ELEKTRON XISOBLAGICH

## ўзбек – хитой қўшма корхонаси

халқимизни энг улуғ, энг азиз айём — **ВАТАНИМИЗ ИСТИҚЛОЛИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИ** билан муборакбод этади!

Она заминга муҳаббат, юртга садоқат, эртанги ёруғ кунларга ишонч ҳисси сиз азизларни асло тарк этмасин. Саодатли истиқболни, осуда ҳаётни таъминлаш бахти барчамизга насиб этсин.

**Мамлакатимизда тинчлик, хонадонларимизда тотувлик доимо барқарор бўлсин!**



Хизматлар лицензияланган.

# АСАКАДАГИ "UZ-DONG WON CO"

## қўшма корхонаси жамоаси

Мамлакатимиз аҳлини, "Ўзавтосаноат" уюшмаси ходимларини, ўз ҳамкорларини Ватанимиз Истиқлолининг 23 йиллиги айёми билан самимий муборакбод этади.

**Барча юртдошларимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, шарафли ишларида улкан зафарлар тилайди.**

Мустақиллик шукуҳи ила жонажон Ўзбекистонимиз йил сайин юксалиб, обод бўлиб бормоқда. Ишлаб чиқариш суръатлари ортмоқда. Автомобилсозлик саноати ривожланаяпти. Унинг бугунги истиқболига, эришган барча ютуқларига асло кўз тегмасин.

Осмонимиз доимо мусаффо, турмушимиз гўзал ва фаровон, Истиқлолимиз абадий бўлсин, азиз юртдошлар!



Хизматлар лицензияланган.

# Марҳамат туманидаги "Ғайрат - 2000"

## хусусий фирмаси жамоаси



Юртдошларимизни, "Ўзавтосаноат" уюшмаси ва унинг тизимидаги корхоналарнинг барча ишчи-хизматчиларини, ўз ҳамкорларини жаннатмонанд диёримиз **Истиқлолининг 23 йиллиги** байрами билан чин кўнгилдан қутлайди.

Юртимиз равнақи ва элимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларида улкан ютуқлар тилайди. Йил сайин гуллаб-яшнаб, обод бўлиб бораётган озод Ватанимиздаги тинчлик-осойишталик, хонадонларимиздаги тотувлик, кўнгиллардаги кўтаринкилик мангу бардавом бўлсин.



**Эркин яшаш ва меҳнат қилишимиз учун кенг шароит яратиб берган, буюк келажакни бунёд этишга руҳлантирган Мустақиллимиз абадий бўлсин!**

Хизматлар лицензияланган.

## Андижон ҳудудий электр тармоқлари ОАЖ жамоаси

**Ўзбекистон фуқароларини улуғ айём —
Мамлакатимиз Мустақиллигининг 23 йиллиги
билан қутлайди!**





Қўлга киритилаётган улкан ютуқларимиз бардавом бўлсин. Келажаги порлоқ юртимиз янада гуллаб яшнайверсин!



СИЗЛАРГА ОИЛАВИЙ БАХТ, ОМАД ВА МУВАФФАҚИЯТ ҲАМИША ЙЎЛДОШ БЎЛСИН!

Ҳар биримиз ўз меҳнатимиз, эзгу саъй-ҳаракатларимизни улуғ неъмат — мустақиллигимизни асраб-авайлашга сарфарбар этайлик.

Хизматлар лицензияланган.

---

SAG SAMARKAND CARPETS

## «САМАНТЕПГИЛАМ»

**қўшма корхонаси**

Азиз юртдошларимизни барчамиз учун энг азиз байрам — Ватанимиз Мустақиллигининг 23 йиллиги билан самимий қутлайди!



Муборак айём ҳар бирингизга олам-олам қувонч бағишласин. Хонадонингиздан файзу барака аримасин. Ҳур, келажаги порлоқ, эркин ва обод Ватанимиз тоабад гуллаб-яшнасин!

«САМАНТЕПГИЛАМ» — УЙИНГИЗГА КЎРКАМЛИК БАҒИШЛАЙДИ





Хизматлар лицензияланган.

---

## Ижодий танлов ғолиблари аниқланди

➢ **Танлов**

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан ташкил этилган "Ватан учун яшайлик" танловининг ғолиб ва совриндорлари эълон қилинди.

Биринчи ўринга публицистик асарлари учун Шуҳрат Ризаев ҳамда «Буюк Соҳибқирон ўтган йўлларда» сафарнома эссеси учун Қамчибек Кенжа муносиб топилди. «Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур» илмий монографияси учун Баҳодир Карим, «Истиқлол» қасидаси учун Исмоил Маҳмуд ва ёш ижодкорлар жамоаси, шеърий, насрий, публицистик асарлари учун Рустам Мусурмон иккинчи ўринга сазовор бўлди. Ҳанифа Солиҳова «Орзу тумори» шеърий сайланмаси, Кенгесбой Каримов насрий ва публицистик асарлари, Ахтамқул Каримов «Бошимда осмон айланар» шеърий тўплами учун учинчи ўринни қўлга киритди.

---

OʻZBEKISTON ADOLAT

## Ўзбекистон «Адолат» СДП Наманган вилояти Кенгаши фаоллари

Мамлакатимиз фуқароларини, барча партиядошларни энг улуғ, энг азиз айёмимиз — **Ватанимиз Мустақиллигининг 23 йиллиги** байрами билан чин қалбдан табриклайди.

Ҳар соҳада ўсиш, юксалишларга эришаётган, тарихан қисқа даврда асрларга татигулик ишларни амалга оширган кўп миллатли аҳил ва иноқ халқимизнинг барча улуғ мақсадлари юзага чиқишига тилакдошмиз. Барча юртдошларимизга байрамона кайфият, оилаларига тинчлик-хотиржамлик, қут-барака тилаймиз.

**Истиқлол айёмингиз муборак бўлсин!**





ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета

Таҳрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Муассис:** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:** Абдували САЙБНАЗАРОВ

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*

**info@adolatgzt.uz; adolat_gazeta@mail.ru**

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.*

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

ISSN 2091-5217

**Бўлимлар:** Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — ***288-46-54*** (149);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — ***288-46-64*** (146);
Қабулхона — ***288-42-23***; ***288-46-64*** (141) факс;
Котибият — ***288-46-64*** (144).
**Навбатчи муҳаррир** — Қ.ҚЎЛДОШЕВ. **Навбатчи** — Ғ.ХИДИРОВ.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 800. Адади — 5943
Босишга топшириш вақти — 20.25 Босишга топширилди — 00.25
1 2 3 4 5

*Баҳоси келишилган нархда*